O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

**Da'vat**

*Tiyrak aqling bo'la turib, farosating bo'lmasa — bu aytarlik ustunlik emas: soatning qimmati ham tez yurishida emas, to'g'ri yurishida.*

**L.VOVENARK**


Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 16-aprel, chorshanba | № 30 (7535)


**Ibrat**

*Urgut tumanidagi Amir Temur jamoa xo'jaligi (raisi Asad Boymatov) tomonidan 65-maktabga 650 ta shifer ajratildi.*

*"Savg'on" mahallasi ahli esa, mazkur ilm dargohi sport maydonchasini qayta ta'mirlab berdi.*



## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### MAJMUA YIG'ILISHI

Vazirlar Mahkamasi Agrosanoat majmuining 2003 yil birinchi choragida qishloq xo'jaligini iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va iqtisodiy islohotlarning borishiga bag'ishlangan majlisida mamlakatimizda qishloq xo'jaligini rivojlantirish, uning samaradorligini oshirishga, mehnatkashlarning moddiy manfaatdorligini yaxshilashga qaratilgan chora-tadbirlarning ijobiy jihatlari ta'kidlanib, ayrim qishloq xo'jaligi korxonalari, tashkilotlari faoliyatida yo'l qo'yilayotgan xato va kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha mutasaddi tashkilot rahbarlariga topshiriqlar berildi.

### HARAKAT XAVFSIZLIGI OYLIGI

Vazirlar Mahkamasi Farmoyishiga binoan shu yilning 15 aprelidan 15 mayigacha davom etadigan "Harakat xavfsizligi oyligi" davomida o'tkaziladigan ko'pgina muhim tadbirlar qatoriga maktab va maktabgacha ta'lim muassasalarida yo'l harakati qoidalarini targ'ib qilish masalalariga ham diqqat-e'tibor qaratilishi ko'zda tutilgan.

### AVSTRALIYA TERRORCHILIK TASHKILOTLARINING YANGI RO'YXATI

Avstraliya parlamenti mamlakatda mavjud xalqaro terrorchilik tashkilotlari ro'yxatiga yangidan kiritgan oltita guruh qatorida "O'zbekiston islom harakati" deya atalmish to'dani ham qayd etib, qabul qilingan qarorga muvofiq mazkur tashkilotlar faoliyatiga u yoki bu shaklda dahldor bo'lgan har qanday avstraliyalik fuqaro 25 yil muddatga qamoq jazosiga hukm qilinishini e'lon qilib, uni xalqaro terrorchilik global tizimining uzviy bo'lagi bo'lmish o'ta xavfli terrorchilik tashkilotlari ro'yxatiga kiritgan davlatlar qatoridan joy oldi, deb xabar bergan "Jahon" axborot agentligi.

(Давоми 2-бетда)



Тарих — келажак башоратчиси. Негаки, ўтмишсиз келажак йўқ. Авлодлар эса ана шу тарих зарварақларида битилган аждодлар ўгити асосида ўзлигини англаган ҳолда эртанги кунга қадам қўядилар. Ўзлигини кашф этган инсон эса юрт, миллат тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эга.

Тарих ҳақиқатларини очиш билан ўтмишнинг гоҳ қора, гоҳида ёрқин воқеа-ҳодисалари орқали бола шуурига Ватан муқаддаслигию, халқнинг буюклигини сингдиришга ҳаракат қилган Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги 9- ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Дилафрўз Норбоеванинг "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг республика босқичида ўтган бир соатлик дарсини кузатиб чиқарган хулосаларимиз бу.

Ушбу дарсда ўқитувчи йиллар суронини четлаб ўтиб, ўқувчиларни Сомонийлар давлати ҳукм сурган IX асрга саёҳатга отлантирди. Эътиборлиси, дарс аввалидаёқ ўқувчилар янги мавзуни тарих саволлари билан тўлдирилган кроссвордни ечиш орқали аниқлашган бўлса, "Ким зукко" ўйини ва "Сирли халтача" мусобақасида берилган қизиқарли жумбоқларга ечим излаш орқали дарс мустаҳкамланди.

Суратда: "Йил ўқитувчиси —2002" кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчиси Дилафрўз НОРБОЕВА дарс жараёнида.

*Бурхон РИЗО олган сурат*

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:


ЭРКИНЛИК БОР ЖОЙДА ФИКР БОР — 2-бет

"ИЛМ АФЗАЛМИ ЁКИ..." — 3-бет

БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИ (ОЛТИНЧИ МАҚОЛА) — 5-бет

МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛИШИ УЧУН АВВАЛО ОСОЙИШТА БЎЛМОҒИ КЕРАК — 6-бет


*Maktablar hayotidan*

# "КЕЛИБ КЕТМА, БИЛИБ КЕТ"

*С.Айний номидаги 32-мактаб Китоб туманининг Улуғбек жамоа хўжалигида жойлашган. Илм масканида 37 нафар муаллим 493 нафар китоблик ёшларга илму-одоб ўргатмоқда. Мактабда она тили ва адабиёти, тарих ва ҳуқуқ, кимё ва биология, математика ва инглиз тили фанларидан ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган.*

*Мазкур мактаб остонасини ҳатлаб ичкарига қадам босганимиз ҳамона орасталик билан мактаб залининг жиҳозланиши кўриб, шу заҳотининг ўзидаёқ дилимизда илм масканининг фидойи муаллимлари амалга ошираётган ибратли ишларга ишонч уйғонди.*

*Қўш қаватли бинонинг ҳар иккала қаватидаги заллари бирдек ўта дид билан долзарб мавзулар асосида жиҳозланган.*

*"Ўзбекистон — Ватаним маним", "Соғлом танда-соғ ақл", "Юртимнинг шон-шуҳрати", "Миллий истиқлол ғояси — менинг ғоям", "Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Бахтимиз қомуси", "Она табиатни асрайлик", "Қадриятларимизни қадрлаймиз", "Йўл ҳаракати қоидаларига амал қил", "Тозалик-соғлик гарови" каби бурчаклар ўқитувчи-ю, ўқувчи, ҳатто ота-оналарга ҳам юртимиз таълим тизимида кечаётган ислоҳотдан сабоқ беради.*

*Мактаб залида ҳар бир услубий бирлашма фаолиятига доир бурчаклар ҳам ташкил этилган. Мана бу "Тил билган-эл билади" деб номланувчи бурчак она тили ва адабиёти, рус ва инглиз тил услубий бирлашмаларининг деворий бурчаги ҳисобланади. Қизиқувчан ўқувчи шу бурчакнинг ўзидан бир олам билим олади. "Савол беринг, жавоб берамиз" рукнида эса ўқувчилар томонидан берилган саволларга қисқа ва аниқ жавоблар берилган...*

*— Янги йилдан эътиборан мактабимизда янги бир шиор қабул қилдик — дейди мактаб директори Тоғаймурод Эшматов — Бу шиор "Келиб кетма, билиб кет" деб аталади. Гап шундаки, асосий эътиборни ўқувчиларнинг ўзлаштиришига қаратаяпмиз. Дарсларнинг ва тўгарак машғулотларининг самарадорлигига эътибор бераяпмиз...*

*Мактабимиз "Йил мактаби" танловининг вилоят босқичида фахрли 3-ўринни, ўқувчиларимиз фан Олимпиадаларида, иқтидорли ўқувчилар танловларининг Республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллашдилар...*

*Муаллимнинг мактабдаги меҳнатини баҳоловчи асосий омиллардан бири, унинг фан кабинети ҳисобланади. Биз мактабда бўлган кунимиз худди ана шу мавзу билан ҳам қизиқиб кўрдик.*

*Мана яна бир фидойи муаллима Замирахон Жабборованинг биология кабинети. Хонага кирган киши гуё ўзини табиат қучоғидагидек ҳис қилади. Хона рангбаранг, антиқа гулларга тўла. Хонанинг мавзулар асосида безатилиши киши эътиборини тортади. Ўқитувчи томонидан хонада ташкил этилган "Ички органларнинг системалари", "Ҳайвонат оламининг ривожланиши", "Табиат муҳофазаси", "Юртимизнинг маданий ўсимликлари" каби бурчаклар ўта жонли бир тарзда яратилган.*

*Илм масканидаги математика, физика ва бошқа фан кабинетлари хусусида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин.*

**Абдували ОБИДДИН,**
**Махсус мухбиримиз**

# МАКТАБДА ПСИХОЛОГ ФАОЛИЯТИ: У ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА?

*Dolzarb mavzu*

***Таълим муассасасида амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият, энг аввало, ўқувчи манфаатлари учун хизмат қилиши лозим, албатта. Зеро, таълим-тарбия жараёни марказида ўқувчи шахси, унинг индивидуал-психологик хусусиятлари, ақлий имконият, қобилият ва қизиқишлари туради. Бу таълим жараёнини ҳар бир ўқувчининг индивидуаллигига асосланиб ташкил этишни тақозо этади. Замонавий педагогик технологиянинг асосий психологик тамойилларидан бири ҳам таълим жараёнини индивидуаллаштириш, яъни ҳар бир боланинг жисмоний, маънавий-руҳий ривожланиши учун шарт-шароит яратишдан иборатдир.***

***Республика ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Маркази директорининг ўринбосари Йўлдош Асадов билан бугалги суҳбатимиз таълим муассасаларида ўқувчиларни психологик-педагогик ташхис кўригидан ўтказиш, психологик хизматнинг бугунги аҳволи, бу борада яратилаётган ва амалда қўлланилаётган янги психологик методлар хусусида бўлди.***

**— Маълумки, битирувчи ўқувчилар билан мактаб психологи бир ёки икки марта суҳбатлашгач, албатта, унинг истеъдоди, қизиқиш ва мойилликларини аниқлаши мушкул. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчи билан ўта қисқа фурсат суҳбатлашиш натижасида унга маълум касб-ҳунар танлаши учун кўрсатма бериш жараёни ҳам масалага жиддий ёндашувни талаб этади. Бу борада ташхис Марказларида қандай янги психологик методикалар ишлаб чиқилмоқда?**

— Дарҳақиқат, инсон кўзига ёки юзига қараб, унинг ички оламини тўла ҳолда англаб бўлмаганидек, ўқувчи билан ўтказилган бир марталик суҳбат ёки сўровнома натижасида унинг туғма лаёқати, қизиқиш ва қобилиятлари хусусида хулоса ясаш мантиқсизлик, албатта. Аслини олганда, дунёда ҳали инсоннинг руҳий оламини мутлақ тадқиқ эта оладиган психологик методика яратилмаган. Ишончлилик (валидлилик) даражаси энг юқори даражадаги стандартлаштирилган психологик тестларнинг ҳам аниқлик даражаси 70-80 фоиздан ошмайди. Инчунун, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида психологик-педагогик ташхис узлуксиз жараён сифатида ўтказилиши лозим. Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, амалий психодиагнос-тика коррекцион-ривожлантирувчилик хусусиятига эгалиги боис касб-ҳунарга йўналтириш жараёнининг мазмуни билан уйғунлашади.

Кўп ҳолларда ўқувчиларни онгли касб-ҳунар танлашга тайёрлаш ва психологик-педагогик ташхисни бир-биридан ажратиб талқин қилишади. Бу — нотўғри, албатта. Психологик-педагогик ташхис натижалари асосида ўқувчиларга тегишли касбий маслаҳат ва ахборотлар бериш, ҳамда уларга ижобий педагогик таъсир этишни яхлит фаолият деб билиш лозим. Ўқувчиларнинг у ёки бу касбга бўлган мойилликлари, лаёқат, қизиқиш ва қобилиятларини ўрганишнинг узлуксизлигини таъминлаш ва натижаларининг объективлигига эришиш мақсадида, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб 1-9-синф ўқувчилари учун "Психологик-педагогик ташхис дафтари" жорий этилди. 9-синф битирувчиларининг ҳар бирига мўлжалланган "Психологик-педагогик ташхис харитаси" юритилмоқда. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг касбий мойиллик, қизиқиш ва қобилиятларини ўрганиш учун мактаб амалий психологлари, касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассисларига 6 турдаги психологик-педагогик ташхис методикалари етказилди.

Психологияда шундай қонуният бор: ҳар қандай лаёқат, қобилият ва иқтидор фақат ўзигагина тегишли бўлган фаолият жараёнида намоён бўлади ва ривожланади. Шу жиҳатни инобатга олган ҳолда айни пайтда "Касблар олами ва Мен" психологик тренинги, "Касб-ҳунарга йўналтириш ўйинлари" дастурларини ишлаб чиқишга, яъни ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг интерфаол технологияларини яратишга кўпроқ эътибор қаратмоқдамиз.

**— Ўтган йилдан бошлаб олти ёшли болаларнинг психологик-педагогик кўрик комиссиялари бевосита мактабларнинг ўзида ташкил этилди. Бунинг сабаби нимада ва унинг дастлабки натижалари қандай бўлди?**

— Республика бўйича олти ёшли болаларнинг тиббий, психологик-педагогик ва дефектологик кўрикларининг ўтказилишига доир ишларнинг ўтган даврдаги аналитик таҳлиллари психологик-педагогик ташхиснинг туман, шаҳар ташхис Марказларида эмас, балки бевосита мактабларнинг ўзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Буни ташкилий-педагогик ва илмий-услубий жиҳатдан асослашга уриниб кўрсак. Маълумки, стандарт бўйича ҳар бир болани психологик-педагогик ташхисдан ўтказиш учун мутахассис томонидан 30-35 дақиқа вақт ажратилиши зарур. Агар 1000 нафар олти ёшли бола ташхис Марказида ППТ кўригидан ўтказилса, бунга 30000 дақиқа, яъни ҳар куни 5 соатдан ишлаганда, 100 кун керак бўлади (2000 нафар болага 200 кун!). Бундан ташқари, ташхис Марказлари мутахассислари май-август ойларида нафақат олти ёшли болаларнинг кўриги, балки бир вақтнинг ўзида 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий ёрдам бериш билан ҳам шуғулланадилар. Кўриниб турибдики, уларнинг тумандаги олти ёшли болаларни кўрикдан ўтказиш учун нафақат вақти, балки имконияти ҳам етишмайди. Шунингдек, юзаки, пала-партиш ўтказилган ташхиснинг ишончлилик даражаси паст бўлиши ва илмий асосланган стандарт талабларига жавоб бермаслигини унутмаслигимиз лозим.

"Таълим тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек, умумий ўрта таълим мактабларининг ўз-ўзини бошқаруви ва фаолиятини мустақил ташкил этиш имкониятлари босқичма-босқич ортиб

(Давоми 2-бетда)

## ҒОЛИБЛАР БРИТАНИЯГА БОРАДИ

"Томчи сувда ҳаёт жилваси" деб номланган тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази, Тошкентда фаолият юритаётган Британия Кенгаши билан ҳамкорликда икки йилдан буён ўтказилиб келинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг биттадан ғолиб мактаблари иштирок этган тадбирда ўқувчилар олиб борган ташвиқот, тадқиқот ишларини сўзлаб беришди ҳамда сувни тежаш борасидаги ўз ғояларини илгари суришди.

Қашқадарё вилояти Китоб тумани жамоаси биринчи, Тошкент вилояти Зангиота тумани 15-мактаб жамоаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 2-лицей жамоаси иккинчи, Наманган, Фарғона, Жиззах вилояти вакиллари учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолибларга Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, "ЭКОСАН" жамғармаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Республика ўқувчиларининг "БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуаси ҳам танлов ғолибларига ўз совғаларини топширди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Британия Кенгаши ушбу ғолиб жамоалар ўртасида яна иншолар танловини ўтказади. Оғзаки суҳбатдан яхши ўтган ва энг яхши иншо ёзган икки нафар ўқувчи бир ой давомида Буюк Британияда бўлиб, у ерда экотаълимни ўрганиб келиш имкониятини қўлга киритади.

**М.ҲАСАНБОЕВА,**
**М.САМИНЖОНОВА,**
*РТМ "Соғломлаштириш" бўлими ходимлари*

### BIR YILDA IKKI BARAVAR

**Mutaxassislar ma'lumotiga ko'ra, O'zbekistonda internet tarmog'idan foydalanuvchilarning umumiy soni 2002 yilda 275 mingga yetgan. Bu raqam 2001 yilda 137 ming edi. Shuni ta'kidlash joizki, respublikamiz bo'yicha olingan bu raqamning 72 foizi Toshkent shahriga to'g'ri keladi.**

### OILA BUTUN BO'LGANI YAXSHI

**AQShning Dyuksk universiteti tadqiqotchilari xulosasida aytilishicha, xotinsiz erkaklar oilali erkaklarga qaraganda ko'proq kasallanishadi. Xususan, ularni gipertoniya, asabiylik va turli yaralar ko'proq azoblaydi. Ayolsiz, yolg'iz yashash erkak umrini 10-15 foizga qisqartiradi, deyishmoqda tadqiqotchilar.**

*O'qituvchi yon daftariga*

### BALIQCHILAR UCHUN QULAY

**Yaponiyaning "Narita Motono" firmasi tomonidan ishlab chiqarilgan etiklar o'ziga o'rnatilgan quyosh batareyasi yordamida ishlovchi maxsus isitgichlar yordamida bir zayl issiqlikni ushlab turadi va bu, uni kiyib yurganlar sog'lig'i uchun foydalidir. Mazkur maxsus etiklar asosan baliqchilar uchun mo'ljallangan.**

### TOZALIK VA REKLAMA

**"Tozalikni saqla-ganingiz uchun shahar kengashi nomidan sizga tashakkur". Uelsning sharqiy qismida joylashgan Rekxem shahri ko'chalarida ana shunday minnatdorchilik so'zlarini bildiruvchi axlat qutilari o'rnatildi. Gapiruvchi bu qutilar nafaqat tozalikni saqlashda, balki tadbirkorlar uchun ham qo'l kelmoqda. Hozirgacha 200 dan ziyod firmalar o'z mahsulotlar reklamasini xuddi shu qutilarga yopishtirganlar.**

**Biz mehnat qilayotgan litseyda milliy istiqlol g'oyasini o'rganish va targ'ib qilish markazi tashkil etilgan bo'lib, talabalarning milliy g'urur, dunyoqarashini oshirish maqsadida har oyda ikki marta davra suhbatlari o'tkazilib turiladi.**

**L.Vengerning ta'kidlashicha, "maktabgacha ta'lim yoshidagi bolada maktabda o'qishga xos xususiyatlar hali shakllanishi mumkin emas, chunki bu xususiyatlar faqat o'qish jarayonida shakllanadi".**

Ma'rifat

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

### KONFERENSIYA

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Fan va texnologiyalar markazi, Fransiyadagi xalqaro "INTAS" assotsiatsiyasi shafe'ligida hamda Fransiya, Germaniyadagi bir qator tashkilotlar va Buxoro viloyat hokimligi hamkorligida tashkil etilgan "Orol dengizi havzasi" deb nomlangan ilmiy-amaliy konferensiyada Orolni qutqarish, vohada ekologik vaziyatni yaxshilash yuzasidan barchani hamjihatlikka chaqiruvchi hujjatlar imzolanib, bu borada "INTAS" dasturiga kiritilgan ishlarning o'z vaqtida bajarilishini ta'minlashda faolroq bo'lish lozimligi ta'kidlandi.

### XITOY OLIMI TOSHKENTDA DOKTOR BO'LDI

Toshkent davlat pedagogika universiteti bilan Xitoyning Chan-Chun shahridagi Shimoliy-sharqiy pedagogika universiteti o'rtasidagi o'zaro ilmiy tajriba almashish bo'yicha hamkorlikning natijasi o'laroq, mamlakatimizga malaka oshirish uchun kelgan Xitoy oliy o'quv yurtining dotsenti Lyu Syao Min "Maktab psixologik xizmati va o'quvchilarning sog'ligi muammolari" degan mavzuda doktorlik dissertatsiyasini muvaffaqiyatli yoqlab, o'z vataniga qaytdi.

### YANGI HAVO YO'NALISHI

Yangi joriy etilgan Toshkent-Yaroslavl yo'nalishi bo'ylab ilk parvozini amalga oshirgan "O'zbekiston havo yo'llari" milliy aviakompaniyasining "Il-76" yuk samolyoti mamlakatimiz shahar va viloyatlari bilan turli darajada yaqindan hamkorlik qilib kelayotgan Yaroslavlning "Tushona" aeroportiga kelib qo'ndi deb xabar beradi "Jahon" axborot agentligi.

### XALQARO BOZORGA YO'L

Toshkentda o'z ishini yakunlagan, Italiya tashqi savdo instituti (I.CH.E,) tomonidan tashkillashtirilgan "Xalqaro bozorga chiqish jarayonida kichik va o'rta biznes sub'ektlariga yordam ko'rsatishning moliyaviy va savdo vositalari" mavzusidagi ko'chma seminarda tinglovchilar kichik va o'rta biznesni baynalmilallashtirish, xalqaro bozorga chiqish bilan bog'liq bo'lagan qulaylik va tavakkalchilik masalalari haqida tushuncha hamda iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarda ushbu biznes sub'ektlariga ko'rsatilgan yordam, uning turlari, o'z mamlakati tashqarisida bunday yordamga qanday erishish mumkinligi to'g'risidagi bilimlarga ega bo'lishdi.

*Milliy istiqlol g'oyasi*

# ЭРКИНЛИК БОР ЖОЙДА ФИКР БОР

Миллий истиқлол ғоясини ёшларимизнинг қалбига теранроқ сингдириш, улар дунёқарашида она-юртимизга муҳаббат, халқимизга садоқат туйғуларини шакллантириш бугун биз ўқитувчилар олдидаги долзарб вазифадир.

Миллий истиқлол ғоясининг маънавий, маданий ва юксак ахлоқий, руҳий қадрияти шундаки, у ҳамма вақт ҳар қандай шароитда кишини комилликка даъват этади. Унинг сиёсий аҳамияти ва қиймати ҳам худди шу билан белгиланади. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг ўқитила бошлаганлиги ёшларнинг таълим-тарбиясида катта аҳамият касб этмоқда. Бундан кўзланган мақсад талаба ёшлар онгида умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини, маънавий баркамолликни ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, шунингдек, ёшларда инсонпарварлик, Ватан туйғусини кучайтиришдир.

Ўқув қўлланма мавзуларини тушунтиришнинг асосий усули баҳс-мунозарадир. Чунки мунозара дарснинг мақсади, муаммоларнинг ечимини топишдан иборат эмас, балки ҳар бир талабага ўз шахсий фикрини айтиш ҳуқуқи борлигини англатишдир.

Президентимиз таъкидлаганидек; "Ҳуқуқий маданияти юқори бўлмаган жамиятда салбий иллатлар юзага келаверади".

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши катта ташаббус ва тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Биз меҳнат қилаётган лицейда миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш маркази ташкил этилган бўлиб, талабаларнинг миллий ғурур, дунёқарашини ошириш мақсадида ҳар ойда икки марта давра суҳбатлари ўтказилиб турилади. Ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётда қўллаш, синаб кўриш мақсадида уларнинг фанга бўлган қизиқишларини янада ошириш, меҳр, иштиёқ уйғотиш, республикамиздаги машҳур олимлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, буларнинг барчаси ўқувчиларимизни Ватанга садоқат, ҳар тарафлама етук шахс этиб тарбиялайди.

Лицей ўқувчилари учун "Жаҳолатга йўл" фильмини намойиш этиш, фильмда намойиш этилган мавзу юзасидан бир неча саволлар ўртага ташлаш орқали уларнинг фикрлари, мулоҳазалари таҳлил қилинади. Худди шунингдек, "Зарарли ғоялар ва мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва ҳушёрлик" мавзусида мамлакатимиздаги 1999 йил 16 февраль, АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеалари, улардан кўзланган ғайрли ниятлар мунозара орқали ўқувчилар онгига сингдирилади. Ўқувчилар ёт ғояларнинг зарарли оқибатлари жамиятимиз равнақига, оиламиз тинчлигига соя солаётганлигини жонли мисоллар билан таҳлил қилиб, мавзуни кенг ёритиб берадилар.

Асосан 18 соатлик амалий машғулотлар ноанъанавий дарс услубида мулоқот тарзида олиб борилса билим самарадорлиги янада ортади. Чунки эркинлик бор жойда фикр бор, ғоя бор. Фикр ақлий ривожланиш жараёнидир.

Умуман бу фан ҳақида фикр билдирадиган бўлсак, у Ўзбекистоннинг бой тарихий, маданий меросига, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган. Унда ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши мақсадига аниқроқ йўналтирилган ғоялар мавжуд.

**Х.АБДУВОҲИДОВ, Д.МУҚИМОВА**

# ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:



# MOZIYDAN SADO

Азиз муштарийлар! Жонажон юртимизнинг жаннатмакон гўшаларидаги тарихийликка дахлдор масканлар, осори атиқалар, топилмалар, улар ҳақидаги ҳикоятлар билан боғлиқ тарихий ҳақиқатларни рўёбга чиқариш, қадимийликда ҳеч қайси халқдан кам бўлмаган она халқимизнинг азалий анъаналари, миллий қадриятлари ҳамда илдизи мозийга бориб тақалувчи урф-одатларини ёш авлодга янада кенгроқ етказиш мақсадида газетамизда ***"Moziydan sado"*** деб номланган янги рукн ташкил этилди.

Муҳтарам мухлислар, ҳурматли зиёлилар, азиз ижодкорлар, сиздан ушбу рукнда ўз мақолаларингиз билан фаол иштирок этишингизни сўраймиз. Зеро, юртимизнинг ҳали тўлиқ ўрганилмаган тарихи асрларга татигулик тарихдир. Бу борадаги сизнинг хизматингиз тарихий ҳақиқатларнинг очилишига ҳисса қўшажак. Ушбу рукнда мақолалар ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи шанба кунларида мунтазам бериб борилади.

# ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТГАН "СЕҲРЛИ ЁҒДУ"

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болалар киновидео студияларини ва суратқашлик тўгаракларини ривожлантириш, қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили юртимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган "Сеҳрли ёғду" Ўзбекистон кинофото ҳаваскорлар фестивали ўз ишини якунлади.

Унда юртимизнинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган ёш иқтидорлар кино ва фото йўналишларида ўз истеъдодларини намоён этишди.

Ушбу фестивалнинг фото йўналиши бўйича Ғиждувон туманидан келган А.Шарипов, кино йўналишида шаҳрисабзлик иқтидорли кинохаваскор Э.Пўлатовлар ғолибликни қўлга киритиб, "Гран-при" совринига сазовор бўлишди.

**Мухбиримиз Бурҳон РИЗО олган сурат.**



*Иқтидорли рассом, санъатшунослик фанлари номзоди Рустам Эрматов Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова қўшиқлари асосида яратган "Умр нима"деб номланган рангтасвир асарлари кўргазмаси Халқлар дўстлиги саройида намойиш этилди. Унга*

# СУРАТЛАРДА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

*Юлдуз Усмpraованинг мухлислари ташриф буюрди. Кўргазмага қўйилган суратлар чуқур фалсафий мушоҳадаларга бой қўшиқларнинг суратга кўчган кўриниши, десак янглишмаймиз.*

*Муаллиф ўз суратларида Юлдуз Усмонованинг қўшиқларига баёний иллюстратив расмлар чизиш эмас, балки, қўшиқ бағрини ўз фикри, янгича ифодавийлик йўллари билан бойитишга ҳаракат қилган.*

**Сулаймон МАРДИЕВ**

# СОҒЛОМЛИКДАН — ДОНОЛИККА

Фарзандларнинг турли хил енгил-елпи ва маърифатдан йироқ бўлган ахборотлар таъсирига тушиб қолишига қарши Республика ўқувчилар саройида "Соғлом авлод — доно авлод бўлсин" мавзусидаги тадбир ўтказилди. Мазкур анжуман Республика ўқувчилар саройи, "Саломатлик чашмаси" маркази, "Шарқ аёли" халқаро жамғармаси, Юнусобод тумани "Оқ тепа" маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, ундаги асосий мақсад оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилди.

Кеча давомида ўқувчилар ўз ижодларини ва "Гиёҳванд моддаларсиз келажак сари" драматик кўринишларни намойиш қилишди. Шундан сўнг Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшма кенгаши раиси И.Латипов ва элшунос олим Б.Аминовлар барча иштирокчилар билан қизиқарли суҳбат ўтказди. Тадбир сўнгида энг фаол қатнашган 50 нафар ўқувчига "Шарқ аёли" халқаро жамғармаси ва энг кичик 3 нафар иштирокчига Юнусобод туман "Камолот" ЁИҲ бўлими совғалар тақдим этишди. Бундай тадбирлар ўқувчиларнинг нафақат жисмонан балки маънан соғлом ўсишларига хизмат қилади.

**Насиба ЭРХОНОВА, "Ma'rifat" мухбири**

# САМО ЛОЧИНЛАРИ

*Tadbir*

*Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Республика ўқувчилар саройида ўтказилган "Улуғбек юлдузлари" кўрик-танловида юздан ортиқ ўқувчилар иштирок этишди. Тадбирнинг очилиш қисмида Давлат спорт қўмитаси раиси ўринбосари А.Орипов ва академик Ш.Воҳидовлар йиғилганларни қутлаб, уларга муваффақиятлар тиладилар. Иштирокчилар махсус савол-жавоб ва тест синовларидан ўтганларидан сўнг, танлов ўз ишини бошлади.*

*Кўрик-танловнинг биринчи куни қатнашчилар ўз иқтидорларини намойиш этиб, ўқувчилар саройи лабораториясида ҳакамлар гувоҳлигида ракета моделларини тайёрладилар.*

*— "Тадбирнинг энг фойдали жиҳати шундаки, у сабаб қизиқувчан ёшларнинг ўз ғояларини амалиётда қўллашларига шароит яратилди ва ўзаро тажриба алмашдилар", — дейди ракетасозлик тўгараги раҳбари Р.Шоюсупов.*

*Иккинчи куни эса Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳамда Тошкент давлат авиация институтига саёҳат уюштирилди.*

*Ниҳоят, тадбир сўнгида ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра Тошкент вилояти жамоаси 1-, Республика ўқувчилар саройи 2-, Наманган вилоятидан келган вакиллар эса 3-ўринларга муносиб топилди. Ғолиблар ҳомийлар ("Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, "Соғлом авлод" ва "Улуғбек" жамғармалари)нинг совринларини қўлга киритдилар. Бундан ташқари ғолибларга Ҳалқаро аэрокосмик мактабга йўлланмалар ҳам берилди.*

**Азиз НОРҚУЛОВ**

*Tanlov*

## "СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?"

**Жиззах шаҳридаги 16-мактабда "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловда Зомин туманидаги 6-мактабнинг "Фемида" жамоаси 1-ўринни эгаллади. Жиззах туманидаги 19-ва Ғаллаорол туманидаги 57-мактаблар 2-ўрин, Зарбдор туманидаги иқтидорли болалар лицейи ва Бахмал туманидаги 21-мактаб жамоалари 3-ўрин соҳиби бўлдилар.**

## НАМУНАЛИ КУТУБХОНА

**Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси "Йилнинг энг яхши мактаб кутубхонаси" кўрик-танловини ўтказди. Унда кўрик-танлов Низомига тўла жавоб берган Жиззах туманидаги 25-мактаб кутубхонаси ғолиб, деб топилди. Зарбдор туманидаги 3-мактаб кутубхонаси 2-ўрин, Дўстлик туманидаги 1-мактаб кутубхонаси 3-ўрин билан тақдирланди. Ғолиб ва энг намунали кутубхоналарга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари берилди.**

**А.СОДИҚОВ**

# "ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ"

*Insho*

*Пойтахтимиздаги енгил саноат касб-ҳунар лицейида бўлиб ўтган ўқувчиларнинг ижодий ишлари танлови ана шундай номланди.*

*Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузасида баён этилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида мамлакатимиз таълим муассасаларида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар бугунги кунда изчил амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур касб-ҳунар лицейида ҳам ана шундай тадбирлар мажмуи бўйича қатор амалий ишлар қилинмоқда.*

*— Лицейимизда Президентимиз маърузаларидан келиб чиққан ҳолда махсус ишлаб чиқилган маънавий-маърифий тадбирлар доирасида ўқувчи-ёшлар ўртасида қизиқарли учрашувлар, баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказилиб келинаяпти, — дейди маънавият ва маърифат ҳамда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Римма Ҳасанова. — Яқинда лицейда "Эл осойишталиги — юрт бойлиги" мавзусида гуруҳлараро ўтказилган иншолар танловини ҳам ана шу тадбирлар сирасига киритсак бўлади. Нигора Ғофурова, Дилноза Ёқубова ва Муборак Раҳимова сингари ўқувчиларимизнинг иншолари танлов ҳайъати томонидан энг яхши деб топилиб, ушбу ижодий ишлар муаллифлари муносиб тақдирландилар.*

**Баҳром ҲАМДАМОВ**

# МАКТАБДА ПСИХОЛОГ ФАОЛИЯТИ:

(Давоми. Боши 1-бетда)

бориши зарур. Бинобарин, психологик-педагогик кўрикларнинг бевосита мактабларнинг ўзида ўтказилиши ҳам ушбу талабга бевосита жавоб беради. Зеро, кўрикдан ўтказилган олти ёшли болани ташхис Маркази эмас, мактаб ўқитади ва унинг ўқув фаолиятига ижтимоий-психологик жиҳатдан мослашувига ҳам айнан таълим муассасаси масъул ҳисобланади. Бундан ташқари, психологик-педагогик кўрикнинг мактабда ўтказилиши ота-оналарнинг ўз боласини кўрикка олиб келиши учун ҳам қатор енгилликларни туғдирмоқда. Яъни, бунда ота-она ўзи учун қулай вақтда, ортиқча оворагарчиликсиз боласини кўрикдан ўтказиш имкониятига эга бўлмоқда.

Агар республикамизда бу йўналишда амалга оширилган ишларнинг сўнгги икки йиллик таҳлилларига эътиборни қаратсак, 2001-2002 ўқув йилида 192432 нафар олти ёшли бола психологик-педагогик ташхисдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 102931 нафарига мактабда ўқиш учун тавсиялар берилган. Бу жами 6 ёшли болаларнинг 17,7 фоизини ташкил этади. 2002-2003 ўқув йилида ўтказилган психологик-педагогик кўрикда эса 182187 нафар бола иштирок этиб, уларнинг 99655 нафари айни пайтда мактабнинг 1-синфида таҳсил олмоқдалар. Бу республикамиздаги жами олти ёшли болаларнинг 17,4 фоизини ташкил этади. Яъни ташхис комиссиялари мактабларнинг ўзида ўтказилганда ўтган йилга нисбатан болаларнинг мактабга қабул қилиниш даражаси ортмаган, балки 0,3 фоизга камайган. Бундан ташқари, 2001-2002 ўқув йилида олти ёшли болаларнинг психологик-педагогик кўриклари ташхис Марказларида ўтказилганда, ота-оналардан комиссия аъзоларининг фаолиятига доир ўнлаб ариза-шикоятлар тушган. 2002-2003 ўқув йилида эса бевосита мактабларда ўтказилган психологик-педагогик кўриклар бўйича деярли шикоятлар бўлмади.

Энди мактабга қабул қилинган олти ёшли болаларнинг ўқишга мослашув ва ривожланиш динамикасини ўрганиш натижалари хусусида ҳам тўхталсак. 2001-2002 ўқув йилида мактабга секин мослашаётган ва мослашолмаган болалар сони 8833 нафарни ташкил этиб, бу олти ёшли болаларнинг умумий сонига нисбатан 9,3 фоизни ташкил қилган. 2002-2003 ўқув йилида ўқишга мослашмаган ёки мослашуви секин кечаётган олти ёшли болаларнинг сони 8600 нафар, яъни 8,3 фоиздан иборат. Бу кўрсаткичлар бевосита мактабларнинг ўзида ўтказилаётган психологик-педагогик кўрикларнинг сифат самарадорлиги ортиб бораётганидан далолат беради.

**— Ривожланган ғарб давлатларида ўқувчиларни психологик-педагогик кўрикдан ўтказиш ва уларни маълум соҳага йўналтириш ишлари қандай ташкил этилган? Ушбу давлатлар тажрибасининг қайси жиҳатлари ўрганилиб, амалга тадбиқ қилинаяпти?**

— Таъкидлаш лозимки, кўпгина мамлакатларда, чунончи ҳамдўстлик давлатларида ҳам, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими ёки тузилмаси мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, хорижий мамлакатларнинг аҳоли бандлиги ва ишсизликни олдини олиш масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлари, аҳолига психологик хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг тажрибаларини ўрганишга ижодий жиҳатдан ёндашилмоқда. Чунончи, яқинда Буюк Британияда ижодий сафарда бўлган Республика ташхис Маркази мутахассислари, ушбу мамлакатнинг аҳолига хизмат кўрсатувчи "Карьера" марказлари иш фаолияти билан танишиб, тажрибаларни ўрганиб қайтдилар. Шунингдек, Россия, Германия давлатлари таълим тизимидаги ташкилотлар фаолияти ҳам ўрганилмоқда. Илғор тажрибаларни оммалаштириш, мутахассисларга янгиликларни тезкор етказишда "Maktab va hayot" журналининг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда.

**— Ҳозирги кунда 6 ёшли болани мактабга қабул қилиш масаласи кўпгина мунозараларга сабаб бўлмоқда. "Олти ёшли бола мактабга тайёрми?" саволига Сиз қандай жавоб берасиз?**

— Аввало, шу ва шу каби мунозараларнинг келиб чиқиш асослари хусусида гапирсам. Маълумки, сўнгги 15-20 йил давомида хорижда ва республикамизда кўпгина олим, психолог ва педагоглар мазкур савол устида бош қотирган бўлсалар-да, ҳалигача боланинг мактабда ўқишга тайёрлигини белгиловчи аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Чет эллик психологлар мактабга умум етукликни "бола мактабда ўқиш қобилиятига эга бўлади" (Е. Шванцара таъбири билан айтганда), ёки "мактаб таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва қобилиятларга эга бўлади" (А. Анастази фикрича) дея талқин этишади.

Бу борада, таниқли психолог Л. Венгер ҳамда унинг ҳамкасблари томонидан ишлаб чиқилган назарий асос, айниқса эътиборга лойиқ. Унда фундаментал психологиянинг асосий тамойили, яъни инсоннинг барча психологик хусусиятлари унинг фаолият жараёнида шаклланиши асос қилиб олинган. Л.Венгернинг таъкидлашича, "мактабгача таълим ёшидаги болада мактабда ўқишга хос хусусиятлар ҳали шаклланиши мумкин эмас, чунки бу хусусиятлар фақат ўқиш жараёнида шаклланади". Шу нуқтаи назардан қараганда, мактабга психологик жиҳатдан тайёрлик болада ўқиш, кўникма ва малакаларининг шаклланганлиги билан эмас, балки ўқий олишга тайёрлик имкониятлари билан белгиланади. Кўриниб турибдики, "мактабда ўқишга тайёрлик" муаммоси кўп қиррали, уни ўрганиш ҳар томонлама психологик, физиологик ва морфологик тадқиқот, таҳлилларни талаб этади.

Яна бир қонуният бор. Унга кўра, ҳар қандай тараққиёт кўргазма-образлиликдан абстрак-мантиқийликка қараб боради. Агар биз болага у ўқишга ақлий, маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр бўлмай туриб ҳарф ва рақамларни ёзиш, ўқишга ўргатсак, бу ривожланиш қонуниятини тескарига айлантирган бўламиз. Психолог олимларнинг фикрича, психик ва эволюцион тараққиёт қонунлари ҳам физик қонунлардек бузилмас, универсалдир.

*Sumalak tayyorlashda qishlog'imizda ham ko'plab onalarimiz, momolarimiz jamuljam bo'lishadi. Bu esa qishloq ahli orasida o'zaro mehr-oqibat, hurmat-izzatni joyiga qo'yishning ramzidir.*

*— Ey, otajon, akalarim yaxshilab o'ylab ko'rsinlar. Yoshlik davrini bekor o'tkazmasinlar, vaqtdan unumli foydalansinlar. Zero, «So'nggi pushaymon, o'zingga dushman» bo'ladi.*



# УРФ-ОДАТЛАР – ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ САРЧАШМАСИ

*Tarbiyaviy soatlarda*

*Тарбиявий дарсларнинг таълим-тарбиядаги ўрни катта. Чинакам тарбия кўрган ўқувчигина фан сирларини ўрганишда асло қоқилмайди. Бу борада ташкил этиладиган мактабдаги тарбиявий дарсларнинг қандай самара бериши эса, албатта, ўқитувчиларга, аниқроғи, синф раҳбарларининг маҳорати, дунёқараши ва ҳаётий тажрибасига боғлиқ. Биз ана шу мақсадда Зомин туманидаги Жўрабой Қаршибоев номли 6-ўрта мактабнинг 9-"Б" синфида ўтказилган Тошмурод Умаровнинг бир соатлик тарбиявий дарс жараёнида қатнашдик.*

***Ўқитувчи:*** *— Ҳурматли ўқувчилар. Бугунги дарсимизнинг мавзуси — "Анъана, урф-одатлар — қадриятларимиз сарчашмаси". Биз ана шу мавзу атрофида ноанъанавий тарзда эркин машғулот ўтказамиз. Бунда ҳар биримиз ўзаро баҳс, мунозара асосида мавзуни очиб беришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, мустақиллик туфайли мамлакатимизда миллий анъана, урф-одат ва қадриятларимизни қайта тиклашга катта имкон очилди. Шу боис ҳам деярли барча дарсларда қисқача бўлса-да, тарихимиз, ўтмишимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида маълумот бериб келаяпмиз. Бугун эса ҳар бирингиз мавзу атрофида ўз фикрларингиз билан ўртоқлашасизлар. Шундай қилиб, миллий меросимизнинг сарчашмаси бўлмиш қандай анъаналарни, урф-одатларни биламиз?*

***Ўқувчи:*** *— Биз яқинда Наврўз байрамини нишонладик. У халқимизнинг энг қадимий байрамларидан бири. Айниқса, биз ёшлар сумалак тайёрлаш маросимида катта иштиёқ билан иштирок этамиз. Сумалак учун буғдой ўстириш, уни қайнатиш жараёни жуда қизиқарли ва мароқли. Албатта, сумалак тайёрлашда оналаримиз, момоларимиз бош-қош бўлишади. Бир кеча-кундуз давом этадиган пишириш жараёнида турли халқ лапарлари, қўшиқларининг оналаримиз томонидан маҳорат билан ижро этилиши бизни ҳайратлантиради.*

***Ўқитувчи:*** *— Нима сабабдан сумалак тайёрлаш жараёни кўпчилик томонидан амалга оширилади?*

***Ўқувчи:*** *— Бизнингча, бунинг ҳам ўзига хос рамзий жиҳати бор. Сумалак тайёрлашда қишлоғимизда ҳам кўплаб оналаримиз, момоларимиз жамулжам бўлишади. Бу эса қишлоқ аҳли орасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат-иззатни жойига қўйишнинг рамзидир. Шунингдек, сумалак тайёрланаётган хонадонга барча қўни-қўшнилар турли таомлар олиб чиқишади. Бу ҳам қадриятларимизнинг мустаҳкамланиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётганлигидан далолатдир.*

***Ўқитувчи:*** *— Энди бошқа анъаналар, урф-одатлар ҳақида ҳам фикр юритсак.*

***Ўқувчи:*** *— Ёш чақалоқларни бешикка белаш ҳам қадимий урф-одатларимиздан бири. Маълумки, бешикка чақалоқ белашни узоқ умр кўрган, униб-ўсган оналаримиз, момоларимиз амалга оширадилар. Болани бешикка белашдан олдин исириқ тутатилади. Гўдакнинг ёстиғи тагига иккита кулча нон қўйилади. Бу чақалоқнинг ризқ-насибали бўлиши, уйқусининг тинч ўтиши ниятини ифолайди. Чақалоқ бешикка солингач, бешик устидан ширинликлар сочилади. Уни шу атрофда ҳозир бўлган болалар териб олишади. Шунингдек, чақалоқнинг бош томонига қайроқ тош қўйилади. Бу боланинг боши тошдек қаттиқ бўлишига ишора. Пичоқдек ўткир ва кескир бўлсин, деб пичоқ ҳам қўйилади.*

***Иккинчи ўқувчи:*** *— Ёш боланинг сочини олдириш удуми ҳам бизлар учун ибрат мактаби. Боланинг сочига узоқ умр кўрган, серфарзанд момоларимиз, боболаримиз биринчи бўлиб қайчи урадилар. Бу жараёнда ҳам ширинликлар тарқатилади. Биз учун қизиқарли ва ибратли удумлардан яна бири ёмғир чақиришдир. Бунда аёллар хонадон эшикларига бориб:*

*Суст хотин, сузма хотин,*
*Кўланкаси майдон хотин.*
*Ёмғир ёғсин, ҳўл бўлсин,*
*Ҳамма нарса мўл бўлсин*

*деб қўшиқ айтишганда, хонадон эгалари чиқиб уларнинг устига пақирда сув сепишади. Бу ёмғир ёғишини чақиришга бир ишорадир. Шунингдек, тошбақани ағдариб қўйиш, уни сувга тескари ташлаб қўйиш ҳам русум бўлган.*

***Ўқувчи:*** *— Кўпкари узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган халқ ўйинларидан бири. Унда мард, ботир, қўрқмас йигитлар чопади. Ана шундай полвонлар Алпомиш авлодининг ворислари эканлигидан бир ишора. Ҳозирги кунда юртимизда кўпкари энг оммалашган ўйинлардан бири бўлиб, Жиззах вилоятида кўпкари бўйича республика мусобақалари ўтказилмоқда.*

***Ўқувчи:*** *— Чақалоқнинг қулоғига азон айтиш ҳам қадимги удумларимиздан. Бунда аввало кекса кишилар чақалоқнинг қулоғига азон айтиб, унинг исмини уч бора зикр қилади. Унинг қулоғига дини Ислом эканлигини, отаси, онаси кимлигини айтади. Азон айтиш жараёнида чақалоқнинг ота-онасига меҳр-оқибатли, ватанига садоқатли фарзанд бўлиши, юртга хизмат қиладиган инсон бўлиб етишига тилак билдирилади.*

***Ўқитувчи:*** *— Барча урф-одат, анъаналар инсон ҳаёти тарзини, тарихини ўзида мужассамлаштирган. Ана шу анъаналардан кузатилган бош мақсад — инсонни улуғлашдир. Бизнинг Ватанимизда инсоннинг қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ана шу қадриятларни улуғлашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. Бунга "Инсон манфаатлари йили"ни мисол келтириш мумкин. Кейинги йилларда ҳам ана шу анъана давом этганлиги ҳақида нималарни биласиз?*

***Ўқувчи:*** *— "Оналар ва болалар", "Соғлом авлод", "Аёллар йили", "Қарияларни қадрлаш йили"да ҳам жамиятимизнинг фахри бўлган инсонларни улуғлашга асосий эътибор қаратилди. Бу йил "Обод маҳалла йили". Маҳалланинг ўзагини ҳам оила, инсонлар ташкил этади. Бундан кузатилган мақсад ҳам қадриятларимизга амал қилган ҳолда, замондошларимизнинг яхши яшаши учун барча шароитларни яратишдир.*

***Ўқувчи:*** *— Қадриятлар ҳақида гап кетганда, мактабимизга собиқ ўқитувчимиз, марҳум устоз Жўрабой Қаршибоевнинг номи қўйилганлигининг ҳам эсласак арзийди. Чунки у ҳам ўзининг бор билими, маҳоратини қишлоғимиз болаларига таълим-тарбия беришга сарфлади. Унинг хизматларини биз ёш авлод ҳеч қачон унутмаймиз.*

***Ўқитувчи:*** *— Биз бугунги бир соатлик дарс жараёнида албатта урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг барча жиҳатларини тўла қамраб ололмаймиз. Шунинг учун биз ҳали айтишга улгурмаган удумлар жуда кўп. Сизлар уйда ана шундай урф-одат ва анъаналар ҳақида ота-оналарингиз, момо ва боболарингиздан эшитганларингизни ёзиб келасизлар.*

**Абдусаттор СОДИҚОВ**
**ёзиб олди**



*Ўқитувчи ўқувчи келажаги пойдевори қурувчисидир. Пойдевор мустаҳкамлигига эса йиллар баҳо беради. Яъни бугунги ўқувчи эртага қайси касбни эгалламасин, йиллар ўтган сайин ўқувчилик давридаги муаллимлари берган сабоқ моҳиятини тобора англаб бораверади. Фарғона вилояти Риштон туманидаги 16-мактабнинг география фани муаллими, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Умаржон Умрзоқов ўттиз йилдан бери ёш авлодга сабоқ бериб келаркан, ҳар бир дарсга ана шу фикр билан киради.*

*Суратда: У. Умрзоқовнинг ўқувчиларга география фанидан дарс ўтаётган жараёни акс этган.*

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ**
**олган сурат**

# У ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА?

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, нейрофизиологик жиҳатдан ихтиёрий диққат ва ўқиш учун зарур бўлган кўплаб мияда кечадиган жараёнлар асосан 7-8 ёшда (ақлий ёши ўзиб кетган болаларда 6 ёшда ҳам) шаклланади. Яъни, шу ёшда мия 45 дақиқалик ақлий меҳнатга ҳар жиҳатдан тайёр бўлади. Шу боис, мен бу борадаги ўз фикрларимни Экклезиазнинг "Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор", деган гапи билан якунламоқчи эдим.

**— Шу ўринда яна бир ўринли савол туғилади. Умуман олганда, боланинг олти ёшда таълимни бошлашига қандай психологик-педагогик, шунингдек тиббий чекловлар мавжуд?**

— Аввало, ота-оналар ҳамда педагоглар болаларни эрта мактабга беришнинг фойда ёки зарарлари хусусида ўйлаганда, инсон мияси ривожланишининг ўз нейрофизиологик қонунияти мавжудлигини эътиборга олишлари лозим. Мия қуввати инсоннинг ақлий ривожланиш босқичи учун тегишли даражада тақсимланган. Агар бу қувватни шу ёш даврига хос бўлмаган маълум бир психик жараённи ривожлантиришга сарфласак, билингки, шу қувват тегишли бўлган жойда танқислик юзага келади. Бу ўз-ўзидан боланинг морфологик, физиологик ёки психик ривожланишида салбий бурилиш ёки нуқсонни пайдо қилади.

Нейропсихологлардан бири А. Сменовичнинг таъкидлашича, 2-5 яшарлик даврида болада синсаматор ва эмоционал-ҳиссий жиҳатларнинг кучли ривожланиш даври бўлади. Агар Сиз шу ёшда болани ўқиш, ёзиш, санашга ўргатиб, унинг билиш жараёнини зўриқтирсангиз, билингки, эмоционал-ҳиссий ривожланиш учун зарур бўлган мия қувватининг танқислашувига сабабчи бўласиз. Бундан боланинг онгида эмоционал-ҳиссий жараёнларнинг кечиши ёки соматик (тана) ривожланишида камчилик юз беради. Бундай энергия тақсимланишининг мажбуран бузилиши 7-8 ёшли болаларнинг қўрқув, агрессивлик ёки гиперфаоллик ҳолатларига тушиб қолишига сабаб бўлади.

Кузатишлардан маълумки, аксарият болалар ота-онасининг хоҳиши ва "елиб-югуриши" билан ҳали ўқишга тайёр бўлмай туриб, мактаб остонасига қадам қўйишади. Афсуски, ўқиш давомида бу болалар ақлий-руҳий зўриқиш оқибатида турли касалликларга чалинадилар, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонлар пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда, мия структурасининг ва нерв-психик жараёнларининг мактабда ўқиш учун тўлиқ етилмаганлиги, кўрув-ҳаракат мувофиқлиги ва кичик моториканинг ривожланмаганлиги, мантиқий фикр маҳсулдорлигининг пастлиги кузатилади. Бундан ташқари, мотивация, иродавий жиҳатларининг шаклланмаганлиги, айниқса, ихтиёрий диққат ва хотира, ҳатти-ҳаракатни ихтиёрий бошқаришдаги муаммолар мактабда ўқишга тайёр бўлмаган болаларнинг муваффақиятли ўзлаштириб кетишига салбий таъсир кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, бу каби болаларда ҳали "Ўқувчи ички позицияси" шаклланиб улгурмаган бўлади.

**— Жорий йилда олти ёшли болаларни психологик-педагогик кўрикдан ўтказиш ишларига қандай тайёргарлик кўрилмоқда?**

— "Олти ёшли болаларнинг психологик-педагогик кўриги тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, ҳар йили 1 майдан 25 августгача тиббий кўрик натижалари асосида олти ёшли жисмонан соғлом болалар психологик-педагогик ташхисдан ўтадилар. Жорий йилда ҳам психологик-педагогик кўриклар бевосита мактабларнинг ўзида ташкил этилади. Низомда белгиланганидек, кўрик комиссиялари таркибига мактаб раҳбарияти, психолог, бошланғич таълим ўқитувчилари, ота-оналар вакиллари, шунингдек, эҳтиёж туғилган тақдирда дефектолог, логопед ва мактабгача таълим мутахассислари ҳам киритилади. Ўйлайманки, жорий йилда ҳам мазкур комиссия аъзолари жисмонан соғлом олти ёшли болани мактабга ақлий, руҳий ва маънавий жиҳатдан тайёргарлик даражасини Республика ташхис Маркази томонидан тавсия этилган ҳамда стандартлаштирилган психологик ташхис методикалари ёрдамида ўрганишда фаоллик кўрсатиб, иқтидорли, салоҳиятли фарзандларимизга мактабда ўқиш учун тавсиялар беришади.

Ҳозирги кунда ташхис Марказлари, мактаблар психологларининг семинар-ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Шунингдек, олти ёшли болаларни психологик-педагогик кўрикдан ўтказиш борасида ташкилий тайёргарлик ишлари ҳам олиб борилмоқда.

**— Республикамиз умумтаълим мактабларида психологик хизмат, тиббий хоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш қай аҳволда?**

— Бу масала айни пайтда долзарб аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш кераккки, ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида тиббий, психологик хизмат хоналарининг ташкил этилиши талаб даражасида эмас. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, республикамиздаги 9662 та мактабнинг 6364 тасида (66 фоиз) психологик хизмат, 6181 (64 фоиз) тасида тиббий хоналар ташкил этилган, холос. Буни вилоятлар мисолида кўрсак: психологик хизмат хоналарининг ташкил этилганлиги Қашқадарё вилоятида 41 фоиз, Самарқандда 47,9 фоиз, Фарғона вилоятида 54,3 фоиз бўлса, тиббий хоналарнинг ташкил этилиши Тошкент шаҳрида 44,7 фоизни, Наманган вилоятида 53 фоизни , Жиззах вилоятида 54,8 фоизни ташкил этиб, бу рақамлар республика кўрсаткичидан ҳам паст даражани ташкил этади. Албатта, ташхис Марказлари мутахассислари жойларда психологик тиббий хоналарни жиҳозлаш, зарур бўлган ашёлар билан таъминлаш бўйича ўз таклифларини беришмоқда. Бироқ, бу ҳаракатларнинг ўзи назаримизда камдек, кўринади. Бу борада таълим муассасалари раҳбарлари ҳам фаоллик кўрсатсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

**— Умумтаълим мактабларида психолог, дефектолог мутахассисларнинг етишмаслиги маълум. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида қандай амалий ишлар қилинмоқда?**

— Умумтаълим мактабларининг 8529 тасида амалий психологлар фаолият кўрсатаётган бўлса-да, уларнинг бор-йўғи 20 фоизга яқини олий маълумотли психолог ёки қайта тайёрловдан ўтган педагогларни ташкил этади. Республика ташхис Маркази олий ўқув юртларида психолог мутахассислар тайёрлашни кучайтириш, фаолият кўрсатаётган мактаб психологлари маошини ўқитувчиларга тенглаштириш (мактаб психологининг маоши мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси маошига тенг!) масалалари бўйича юқори ташкилотларга ўз таклифларини киритган. Ҳозирги кунда иш самарадорлиги пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида ишлаб турган психологлар, дефектологларнинг малакасини ошириш учун доимий ҳаракатдаги ўқувлар, семинар-тренинглар ташкил этиб бормоқдамиз.

***Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ***
***суҳбатлашди***

*Sinab ko'ring*

# «ИЛМ АФЗАЛМИ ЁКИ...»

Айтиш жоизки, бошланғич таълим босқичида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам таълим жараёнидаги самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янги услублар яратиш, хориж амалиётида муваффақиятли қўлланилаётган методларни ўрганиш, таҳлил этиш, миллий қадриятларимизга мослаштириш ва қайта ишлаб чиқиш ҳамда фойдаланишни тақозо этмоқда. Бундай методларни қўллаган ҳолда дарс ўтиш ўқувчиларда ҳар томонлама илмий-назарий билимларни мустақил эгаллаш, ижодий қобилиятларини аниқлаш ва уни рўёбга чиқаришни юзага келтиради. Шу мақсадда таълим тизимига муваффақиятли татбиқ этилаётган интерфаол, хусусан, ролли ўйинлар методига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ролли ўйинлар ўқувчиларнинг ўзи учун нотаниш бўлган турли ролларни ўйнашлари асосида уларнинг дунёқарашлари, фикр-мулоҳазаларининг ривожланишига хизмат қилади. Шунингдек, ўқувчилар бу ўйин орқали кенг тушунчага эга бўладилар ва уларда инсонлардаги ҳис-туйғуларни қабул қилиш қобилияти шаклланади. Ушбу метод ўқувчиларни мустақил фикр юритиш, ҳаётда ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута билиш ҳамда мустақил ҳаёт кечиришдаги ўзининг дунёвий қарашларини асослаб бера оладиган инсон сифатида шакллантиради. Чунончи, 4-синф ўқиш дарслигига киритилган «Илм афзал» мавзусига оид ноанъанавий дарс лойиҳаси ҳам шу мақсадни кўзлайди.

**Ташкилий қисм:** Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашгач, болалар ўтирадилар.

**Ўқитувчи:** — Бугун сизлар билан эртаклар оламига саёҳат қиламиз. Албатта, эртакда ўзимиз иштирок этамиз. (Бобо кийимидаги бола келиб ўтиради. Хафа қиёфада бошини қўли билан ушлаб, хаёлга толади)

**Ўқитувчи:** — Қаранглар, болалар. Бобо нима учундир хафа бўлиб ўтирибди. Сабаби нима экан?

Шу пайт бобонинг қизи аста-секин кириб келади.

Ўқитувчини кўриб, «Ассалому алайкум» дейди.

**Ўқитувчи:** — Ваалайкум ассалом. Қизим, қаранг, отангиз нега хафа?

**Қиз:** — Ҳозир отажоним билан гаплашаман (Отаси томон боради.)

Отажон, бунчалик хафа бўлишингизнинг боиси не?

**Бобо:** — Худо умрингни узоқ қилсин, бахтимдан ўргилайки, сендай фарзандим бор. Лекин акаларингдан куйдим, болам. Уларнинг меҳнат қилишга бўйни ёр бермайди. Ўқиб, илм олиб, одам бўлинглар десам, гапимга қулоқ солишмайди. Шунча молимиз, еримиз бор, ўқиб нима қиламиз, дейишади. Мен қариб қолдим. Бу дунёдан кўз юмсам акаларингнинг ҳоли нима кечади? Акаларингнинг аҳволи шу бўлса, вафотимдан кейин менга лаънат келтиради, деб қўрқаман.

**Қизи:** — Отажон, акаларимни ёнингизга чақиринг ва улардан қилиб юрган ишлари тўғрисида сўранг.

**Бобо:** — Акаларингни чақириб нима қиламан. Уларнинг қилиб юрган ишлари нима ҳам бўларди? Саккиз аканг чўнтакларини пулга тўлдириб, отларга миниб, шаҳарма-шаҳар саёҳат қилиб, кайфу сафо қилиб юришгандир-да?!

**Қизи:** — Мен уларнинг қилаётган ишларини биламан. Сиз уларни меҳмонхонага чақиринг ва «илм афзалми ёки давлат?», деб сўранг. Мен эса эшикнинг орқасида туриб, сизларнинг суҳбатларингизни эшитиб тураман. Кейин эса мени чақиринг. Мендан ҳам «илм афзалми ёки давлат» , деб сўранг. Ақлим етганича, билганимча жавоб бераман ва бу жавобларимни акаларим ҳам эшитсин.

**Ўқитувчи:** — Бобо қизининг ақлига тасанно айтиб, кечқурун ўғилларини меҳмонга чақирибди. (Ўғиллари кириб келишади.)

Барчаси бобонинг тўғрисидаги кўрпачага ўтирадилар. Ҳаммаси жим. (Уларнинг хаёлларидаги гапларини саҳна ортидан бошқа бир киши гапиради.)

— Отамиз мол-дунёни бизга бўлиб берса керак-да.

— Мол-дунёни қандай қилиб бўлар экан?

—Ўғилларим, сизларни едирдим, ичирдим, вояга етказдим. Худога шукр, мана бугун бировдан кам эмассизлар. Мендан кейин рўзғор ташвиши ҳар бирингизнинг бошингизга тушади. Ўз ҳаётим тажрибасидан келиб чиқиб ўйлаб кўрсам, илм билан ҳунарда гап кўп экан. Сизлар ҳам ўқиб билим олсангизлар. (Ўғиллари бир-бирларига қараб олишади.)

**Бобо:** — Катта ўғлим, сен фарзандларимнинг тўнғичисан. Қани, айт-чи: илм афзалми ёки давлат? (Катта ўғил қўлини бошига қўйиб, бироз ўйлангандек бўлиб туради.)

**Биринчи ўғил:** — Эй, отажон. Қизиқ гапларни айтдингиз-да. Худога шукрки, бошимизда соябонимиз, сиз падаримиз ҳаётсиз. Еримиз, молимиз бор. Ўқиб нима қиламан?

**Бобо:** — Сендан бу гапни кутмовдим, болам. Ўғлим, сен катта акангнинг гапини эшитдинг. Сенинг ҳам аканг каби шаҳарларга кетиб қоладиган одатинг бор. Мен қари ҳолим билан қачонгача ишлайман? Сен ҳам яхшилаб ўйлаб кўрда, кейин жавоб бер: Илм афзалми ёки давлат?

**Иккинчи ўғил:** Яратгандан тилайманки, отам доимо соғ-саломат юрсинлар. Пул, мол-дунё бўлса, илмдан фойда борми?

**Бобо:** — Ўғлим, саволимга тўғри жавоб бермадинг. Кўнглим жойига тушмади.

Энди сен жавоб бер, учинчи ўғлим, шояд сен мени хурсанд этарсан? Илм афзалми ёки давлат?

**Учинчи ўғил:** — Эй, отажоним. Ҳамма гапларингизга тушунаман. Лекин бу дунёда еган-ичган, кийганингиз қолади. Энди катта бўлиб, шу ёшда илм олган билан қаерга борамиз? Ҳамманинг кўзи давлатманднинг қўлига қарайди. Қўлини доим кўксига қўйиб салом беради, хизматини бажо қилади. Давлат яхши-да, ота. (Бобо ўрнидан туради. Тўртинчи ўғилнинг олдига боради. Уни елкасидан ушлайди.)

**Бобо:** — Қани, ўғлим, сен нима дейсан? Сендан бирон яхши гап эшитармиканман? Акаларинг берган жавобни ҳам эшитдинг.

**Тўртинчи ўғил:** — Эй, падари бузурукворим. Мен сизга нима ҳам дердим. Саволингизга жавобим шуки, давлат яхши. Қўлингиз узун бўлади. Қаерга чўзсангиз, етади. (Бобо яна аста бориб, жойига ўтиради.)

**Бобо:** — Қани, ўғлим сен айт-чи, илм афзалми ёки давлат?

**Бешинчи ўғил:** — Ҳурматли падарим, сизга менинг жавобим шуки, илм дегани қўлга илинмайди, чўнтагингга пул бўлиб тушмайди. У билан қорин тўймайди, кийимингиз бут бўлмайди. Энди сизга айтсам, мол-давлатга нима етсин. Давлат афзал-да, отажон.

**Бобо:** — Қани, олтинчи ўғлим, сен олдимга кел-чи. Ёшлигингда кўп касал бўлардинг. Сени кўп табиб-жарроҳларга кўрсатганмиз. Онанг раҳматли кечалари мижжа қоқмай, ёнингда ўтириб чиқарди. Дуруст, мана катта йигит бўлиб қолдинг. Айт-чи, илм афзалми ёки давлат?

**Олтинчи ўғил:** — Отажон, сизга илм афзал, десам, мен уни билмайман, ўқиганим йўқ. Давлатни биламан. Бой яшаймиз, уйимизда ҳамма нарса бор. Еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда. Шундай экан, давлат афзал-да!

**Бобо:** — Эй, болам, сен ҳам кўнглимдаги гапни айтмадинг. Акаларингга ўхшаб, сен ҳам давлатга ҳирс қўйган экансан. Нима ҳам дердим сенга. Қани, кенжа укаларингдан сўраб кўрай-чи?

— Қани, тойчоғим, сен гапир-чи, балки, сен кўнглимдаги гапни айтарсан?

**Еттинчи ўғил:** — Отажон, билмасам. Йўғ-э, айтаман. Давлат афзал.

**Бобо:** — Гапининг тайини йўқнинг берган жавобини қара-я. Кенжам, умидим сендан. Кенжа ўғил ақлли бўлади, дейдилар. Айт-чи, давлат афзалми ёки илм?

**Кенжа ўғил:** — Отажон, мен давлат эмас, илм афзал, дейман. Мени мактабга беринг, ўқийман. Насиҳатларингизга қулоқ тутаман. Кўзингиз очиқлигида илмли бўлиб олай. Барибир, мол-дунё менга тегмайди.

**Бобо:** — Баракалла, ўғлим, сен менинг ниятимни айтдинг. (Ўрнидан туриб, унинг пешонасидан ўпади.)

**Ўқитувчи:** — Қани, болалар, биз ҳам ўйлаб кўрайликчи. Кенжа ўғил нима учун бундай деди? Жавобини топиш учун, бобонинг қизи айтган гапларни эшитайлик-чи!

**Бобо:** — Қизим, кел-чи, навбат сеники, гапир, бу саволга сен нима деб жавоб берасан?

**Қизнинг гапи:** — Эй, отажон, акаларим яхшилаб ўйлаб кўрсинлар. Ёшлик даврини бекор ўтказмасинлар, вақтдан унумли фойдалансинлар. Зеро, «Сўнгги пушаймон, ўзингга душман» бўлади.

Шунда ҳамма фарзандлари қўлини кўксига қўйиб, «офарин» дедбдилар.

**Ўқитувчи:** — Эртагимизнинг охири нима билан тугади, деб ўйлайсизлармии: бобо кенжа ўғли ва қизини мактабга берибди. Қолган ўғиллар эса меҳнат қила бошлабдилар.

Ана, илмнинг хосиятини билиб олдингиз, болажонлар. Ҳаммангиз ҳозирданоқ чуқур илм ва ҳунар ўрганиб олсангиз, албатта, мақсадга эришасизлар.

Дарс сўнгида иштирокчиларни томошабин (ўқувчи, ўқитувчи)лар таҳлил ва муҳокама қилишиб, баҳолайдилар.

***Назар ЙЎЛДОШЕВ,***
***ҚарДУ ўзбек тили услубиёти кафедраси катта ўқитувчиси***

# БИЗДА БУТЕРБРОД ЕБ МАЪРУЗА ТИНГЛАШМАЙДИ

*E'tirof*

*Хорижлик мутахассисларнинг Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида фаолият юритиши икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишида муҳим аҳамиятга эга. Факультетимизда ўқув йилининг бошидан бери талабаларга «Оғзаки нутқ маданияти»дан дарс бериб келаётган америкалик мутахассис Жордан Эрлнинг машғулотлари ҳам бизга манзур бўлмоқда. «Оғзаки нутқ маданияти» курсини асосан, 2-3 курсларда ўтиш режалаштирилган. 2-курсдаги ўқув юкламасига белгиланган соатларда, жаноб Эрл ўзбек талабаларига жонли нутқдаги муомала маданиятини эгаллашларига ёрдам берувчи турли методикаларни тақдим этади. Биз шанба ва пайшанба кунлари унинг қизиқарли, баҳс-мунозарали дарсларидан баҳраманд бўламиз. Чет эллик ўқитувчининг машғулотлари бизга шуниси билан ёқадики, мулоқот фақат инглиз тилида бўлади.*

*Жордан Эрл фақат битта курс билан кифояланмасдан, қўшимча машғулотлар ҳам уюштирмоқда. Чунончи, Америка иқтисоди, адабиёти, сиёсати, парламенти бўйича тасаввури кенгайишини хоҳлаган талабалар ана шу қўшимча дарсларга ихтиёрий равишда қатнашиши мумкин.*

*АҚШлик волонтёр билан кунда, кунора мулоқот қилар эканмиз, унинг юртимиз ҳақида кўрган-билганларини ижобий жиҳатдан баҳолаб бориши бизни ҳам қувонтиради. У шундай дейди:*

*—Сиздаги ўқувчи, талаба ва ўқитувчи ўртасида ўзаро ҳурмат сақланишига тан бераман. Америка мактаблари, университетларида эса ҳамиша эркин ҳолат ҳукмрон. Ўқувчи хоҳласа, бутерброд ейди, хоҳласа, дарсни ташлаб чиқиб кетади. Бу — одатий ҳол. Сиздаги таълим тизимининг яна бир ютуғи шундаки, ёшларга ҳар соҳадан чуқур билимлар берилади. Шу боис ўзбекистонлик ёшлар билан турли соҳаларда мазза қилиб, баҳслашиш мумкин.*

*Унинг гапларини тинглар эканман, Юртбошимизнинг, ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз, деган даъвати хаёлимдан ўтади. Ҳа, бу гап тўғри. Океанорти мамлакатидан келиб, ўзбек талабаларининг, профессор-ўқитувчиларининг, умуман, ўзбек халқининг устун жиҳатларини эътироф этаётган мутахассис хулосаси ҳам шуни тасдиқлайди.*

***Ш.РАҲИМОВА,***
***ЎзМУ хорижий филология факультети 2-курс талабаси***

**Xalq ta'limi vazirligi 2003-2004 o'quv yilini "Umumiy o'rta ta'lim muassasalari kutubxonalari faoliyatini takomillashtirish o'quv yili" deb e'lon qilish yuzasidan qaror qabul qildi.**

**Vazirlikning Ma'naviy va ma'rifiy ishlar boshqarmasiga 2003-2010 yillarda maktab kutubxonalari ishlarini rivojlantirish konseptsiyasi va o'quv yili dasturida belgilab berilgan vazifalardan kelib chiqqan holda maktab kutubxonalarining metodik ta'minotini yaxshilash chora-tadbirlarini ko'rish yuklatildi.**

# 2003-2004 ўқув йили — Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги "Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3029 Фармонини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида таълим муассасалари кутубхона фондларини мамлакат ва чет эл адабиётлари билан бутлаш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий, маънавий мероси ва қадриятларини кенг тарғиб қилиш, кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот, методик ишларни ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги 2003-2004 ўқув йилини "Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилиш юзасидан қарор қабул қилди.*

*2003-2004 ўқув йилида "Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ҲАРАКАТ ДАСТУРИ" тасдиқланди.*

*Мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси "Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхонасини ривожлантириш концепцияси" 2003 йил 1 майгача Халқ таълими вазирлиги Ҳайъатига тасдиқ этиш учун киритилиши белгиланди.*

*Вазирликнинг Маънавий ва маърифий ишлар бошқармасига 2003-2010 йилларда мактаб кутубхоналари ишларини ривожлантириш концепцияси ва ўқув йили дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мактаб кутубхоналарининг методик таъминотини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш юклатилди.*

*Педагогик таълим, фан ва малака ошириш Бош бошқармаси умумий ўрта таълим муассасаларидаги кутубхоналарни малакали кадрлар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришлари лозимлиги белгилаб қўйилди.*

*Таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси мактаб кутубхоналарининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, автоматлаштириш ва модернизациялашга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги қайд қилинди.*

*Республика илмий педагогика кутубхонасига умумий ўрта таълим муассасаларидаги кутубхоналарга ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда кутубхоначилик назарияси ва амалиётини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилди.*

*Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси 2003-2004 ўқув йилининг "Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилинганлиги, мактаб кутубхоналарига эътибор қилиш кучайтирилишининг зарурлигини эътиборга олган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ҲАРАКАТ ДАСТУРИ"нинг бажарилишини қатъий назоратга олиш, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ХТБ "Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ҲАРАКАТ ДАСТУРИ"нинг жойларда бажарилишини таъминлаши қатъий белгилаб қўйилди.*

## 2003-2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш

# ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

| № | Тадбирнинг номланиши | Муддати | Масъул хужжатлар шакли, кутилган натижа |
|---|---|---|---|
| **I. Қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш** | | | |
| 1.1. | Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхонасини ривожлантириш концепциясини тайёрлаш ва тасдиқлаш | 2003 йил май | Маънавий ва маърифий ишлари бошқармаси, Республика илмий педагогика кутубхонаси (РИПК) |
| 1.2. | Кутубхоначилик иши бўйича республика илмий-методик Кенгашини тузиш ва Низомини ишлаб чиқиш. Унинг фаолиятини идора кутубхоналарини ўз-ўзини бошқариш, янги ахборот технологияларини жорий этишга қаратиш. | 2003-2004 йил декабрь январи | Маънавий ва маърифий ишлари бошқармаси |
| 1.3. | Кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик ва янги ахборот технологиялари соҳасидаги илмий тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашиш. | 2003-2004 йиллар | РИПК |
| 1.4. | Кутубхоначилик ишини ривожлантириш бўйича халқ таълими тизимидаги кутубхоналарнинг халқаро лойиҳаларда ва бошқа тадбирларда иштирок этишини таъминлаш | 2003-2004 йиллар | ҚҚХТВ, Тошкент шаҳар ХТБ, ВХТБ |
| 1.5. | Халқ таълими вазирлиги тизимидаги педагогик кутубхоналарда пулли хизматни ташкил этиш ва йўлга қўйиш бўйича қоидаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, буни амалга ошириш тадбирларини кўриш | 2004 йил февраль | РИПК |
| 1.6. | Таълимий муассасалар кутубхоначилари аттестацияси бўйича ҳужжат тайёрлаш. | 2003-2004 йиллар декабр, январ | ЎзРХТВ, кадрлар бошқармаси, РИПК |
| 1.7. | Таълим муассасалари кутубхоналари янги лавозимлар киритилиши бўйича тахминий штатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш | 2003-2004 йиллар декабрь январь | Халқ таълими вазирлиги меҳнат ва маошлар бўлими, РИПК |
| 1.8. | Малакали тариф характеристикаси (умумий таълим мактаблари кутубхоналари ходимларига талаблар)ни ишлаб чиқиш | 2003-2004 йиллар декабрь, февраль | Молия бошқармаси меҳнат ва маошлар бўлими, РИПК |
| 1.9. | Мактаб кутубхоналари мақомини ошириш мақсадида меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигига умумтаълим мактабларида "Кутубхоначи-педагог" лавозимини жорий этиш бўйича таклиф киритиш | 2003 йил октябрь | ХТВ кадрлар бошқармаси, РИПК |
| 1.10. | Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг мактаб дарсликлари бўйича кутубхона фонди методистлари (мактаб кутубхоналарига ташкилий-методик йўналишни киритилган ҳолда) лавозим мажбуриятларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2003 йил май | Дарсликлар ва мактаб ҳужжатлари бўлими, РИПК |
| **II. Кутубхона ишини модернизациялаш ва ахборотлаштириш** | | | |
| 2.1. | Умумий таълим мактаблари кутубхоналарини вилоятдаги ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида (1-2 мактаб кутубхонасида) ресурс-ахборот марказини ташкил этиш мақсадида компьютер таълими, аудио ва телекоммуникацион воситалар комплекси билан таъминлаш. | 2003-2004 йиллар май | ЎзРХТВ, ВХТБ, ҚҚ республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ХТБ |
| 2.2. | Замонавий стандарт ва бошқа талабларга жавоб берувчи кутубхона-ресурс марказ майдонларига майдон топиш, уларни замонавий мебеллар билан жиҳозлашни раҳбарлар зиммасига юклаш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, ҚҚХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳри ХТБ |
| 2.3. | Ўқув дастури ва режаси доирасида мустақил ишлаши учун мактаб кутубхоналарини видео ва аудио кассеталар, компакт-дискалар билан таъминлаш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, ҚҚРХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳар ХТБ, РИПК, РМ |
| 2.4. | Энг намунали мактабларни аниқлаш. Методик ёрдам кўрсатиш | 2003-2004 йиллар | РИПК, ҚҚРХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳар ХТБ |
| 2.5. | РИПК негизида яхши техникавий жиҳозланган ҳамда мактаб кутубхоначиларини ўқитувчи "Мактаб медиотекаси" марказини тузиш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ молия ва режалаштириш Бош бошқармаси |
| 2.6. | РИПК ҳузурида "Интернет-синфлар ва медиатекасини ташкил этиш. Таълимий муассаса очиш | | |
| 2.7. | РИПК ходимлари, вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари методистлари, кутубхона ишларини юритишга масъул кишилар тренинги | 2003-2004 йиллар | |
| 2.8. | Ўқувчилар, ўқитувчилар, методистлар учун ресурс маркази талаблари доирасида кутубхоналарга янгича ёндашиш мақсадида мактаб кутубхоналари тренингини ўтказиш. | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, ВПХМОИ, ТШҲМОИ, РИПК |
| **III. Кутубхона фондини шакллантириш, ундан фойдаланиш, сақланишини таъминлаш** | | | |
| 3.1. | Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналарнинг нашриётлар, китобларни тарқатиш муассасалари, илмий-техника ахбороти хизмати билан ўзаро муносабатини яхшилаш механизмини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш | 2003-2004 йиллар | РИПК, "Ўзбеккитобсавдо" ҳиссадорлик жамияти, фан ва технологиялар маркази |
| 3.2. | Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналарни чоп этилаётган адабиётлар, нашриётлар тематик режалари билан тезкор хабардор қилиш тизимини йўлга қўйиш тадбирларини кўриш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, "Ўзбеккитобсавдо" ҳ.ж. |
| 3.3. | Ўзбек тилида, шунингдек, лотин алифбосида чоп этилаётган болалар, бадиий, дастурий адабиётларининг нусхаларини кўпайтириш бўйича матбуот агентлигига таклифлар тайёрлаш. | 2003-2004 йиллар | Пед.фанлари илмий текшириш ин-ти, РИПК |
| 3.4. | "Мактаб кутубхонаси" китоблар туркумини яратиш ҳамда унга дастурий, синфдан ташқари ўқиладиган, мактаб дастурининг табиий фанларга доир илмий-оммабоп адабиётларни киритиш масаласини кўриб чиқиш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, пед.фанлари илмий текшириш ин-ти, РИПК |
| 3.5. | Ўқув-тарбиявий жараён талабларига жавоб берувчи янги ўқув-методик, маълумотнома-энциклопедик, бадиий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мактаб кутубхоналари фондини ҳар бир синф-комплект ҳисобида жамлаш учун етарли пул маблағини ажратиш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, ҳокимиятлар, Молия ва режалаштириш бошқармаси, РИПК |
| 3.6. | Халқ таълими тизимидаги кутубхоналар фондини жамлашга бўлган масъулиятини ошириш мақсадида жамоат хўжаликларининг, саноат корхоналарининг, маданият фондлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, айрим шахсларнинг оталиқ ёрдамидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш. "Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари" хайрия тадбирлари. | Доимо | ЎзРХТВ, РИПК, вилоят ХТБ, туман (шаҳар) ХТБ |
| 3.7. | 2003-2006 йиллар мобайнида республика мактаб кутубхоналарини марказлаштириш ишини амалга ошириш, идора ичида марказлаштирилган мактаб кутубхоналари тизимини яратиш, ҳар йили марказлаштирилган мактаб кутубхоналари тизимининг улар фаолиятидаги асосий йўналишлар бўйича "Илғор тажриба мактаби" машғулотларини ўтказиш | 2003-2006 йиллар | Вилоят ХТБ, вилоят кутубхоналари, РИПК |
| 3.8. | Ҳеч бўлмаганда 10 та номдаги газета ва журналнинг йиллик нашрларига ("Китоб дунёси" нашрини қўшиб) обуна бўлишни таъминлаш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, вилоят ҳокимиятлари, ВХТБ, туман (шаҳар) ХТБ |
| 3.9. | Кутубхоналарни аудиовизуал нашрлар ва электрон техника нашрлари билан таъминлаш бўйича зарур тадбирларни белгилаш | 2003-2004 йиллар | Кутубхона фондларини давр талаби бўйича жамлаш |
| 3.10. | ЎЗРХТВ тизимидаги кутубхоналарни зарур кутубхоначилик техникалари: молиявий ҳисобот дафтарлари, бажарилган ишлар ҳисоби кундалиги, каталогли карточкалар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлаш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, РИПК, дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси |
| 3.11. | Микрорайонлардаги, бадиий мактаблардаги, студиялардаги болалар дам олиш марказларида ўқувчиларга ноанъанавий хизмат кўрсатиш пунктларини очиш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, РИПК, ВХТБ маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси |
| **IV. Мактаб кутубхоначи кадрларини тайёрлаш ва улар малакасини ошириш** | | | |
| 4.1. | Мактаб кутубхоналарини республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари негизида "Кутубхоначи-педагог" мутахассислиги бўйича касбий тайёрлаш истиқболлари ва улар сонини имконият даражасида белгилаш масаласини кўриб чиқиш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, педагогик таълим, фан ва малака ошириш бош бошқармаси, кадрлар бошқармаси, РИПК |
| 4.2. | Ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва кутубхонадаги иш стажи 3 йилдан ошган шахсларнинг бюджет асосида олий маълумот олишларини таъминлаш бўйича маданият ишлари вазирлигига таклифлар киритиш масаласини кўриб чиқиш. Малакали ўқитиш орқали касбий тайёргарлигини таъминлаш. | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, кадрлар тайёрлаш бошқармаси |
| 4.3. | Республика мактаб кутубхоналарининг мутахассисларга бўлган эҳтиёж бозорини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб бориш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, кадрлар бошқармаси, РИПК, фан ва малака ошириш бошқармаси, ВПКМОИ |
| 4.4. | Замонавий кутубхона ва ахборот технологиялари асосида кутубхона кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш:<br>-малака оширишнинг янги технологияси ва инновацион методларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш;<br>-малака оширишнинг янги методларини ишлаб чиқиш | 2003-2004 йиллар | ЎЗРХТВ, фан ва малака ошириш бошқармаси, А.Авлоний номидаги ПХҚТМОМИ |
| 4.5. | Электрон ўқув комплектларини ўзлаштириш мақсадида ресурс марказларининг ўқув жараёнларини ахборот ва илмий-методик жиҳатдан ёрдам берувчи тармоғини яратиш:<br>Вилоят педагогик кадрлар малакасини ошириш институтлари ва бошқа таълимий муассасалар негизида ахборот-методик, консультация ва маркетинг тартибда мактаблар, методистларга тизим ишларини намойиш қилиш, реклама хизматини йўлга қўйиш, буюртмалар олиш, иш олиб борувчи минтақавий база маркази<br>-минтақавий инновацион технологиялар бўйича маълумотлар базасини яратиш, уларни бош марказларга етказишни таъминлаш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, ҚҚРХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ, РИПК |
| 4.5.1. | Вилоят таълимини қўллаб-қувватловчи ахборот марказини тузиш; мактаб кутубхоналари – методистлар билан ҳамкорлик қилиш, ахборотларни тўплаш ва оммалаштириш унинг асосий вазифаси этиб белгилаш | 2003-2004 йиллар | ЎзРХТВ, ҚҚРХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ, РИПК |
| 4.6. | Мактаб кутубхоналари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги методика кабинетлари кутубхона ходимлари учун муаммоли ўқув курсларини ташкил этиш ва йўлга қўйиш | 2003-2004 йиллар | РИПК, А.Авлоний номидаги Марказий институт |
| 4.7. | Мактаб дарсликлари кутубхона фонди методистларини мактаб кутубхонасига ташкилий-методик раҳбарлик бўйича малакасини оширишни таъминлаш | 2003-2004 йиллар | А.Авлоний номидаги ПХМОҚТМИ, РИПК |
| 4.8. | Республика, вилоят, туман доирасида муаммоли семинарлар, конференциялар, кўрик-танловлар, тренинглар ташкил қилиш ва ўтказиш | 2003-2004 йиллар | ХТВ, А.Авлоний номидаги ПХМОҚТМИ, ВХТБ |
| 4.8.1. | "Мактаб кутубхонаси фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари" халқаро конференцияни ташкил этиш ва ўтказиш | 2003 йил | ХТВ, РИПК, халқаро фонди |
| 4.8.2. | Мактаб кутубхоначилари метод бирлашмаси вакиллари "Илғор тажриба мактаби" нинг "Мактаб ўқувчилари ахборот маданиятини шакллантириш бўйича ўқувчиларга кутубхона-библиографик хизматининг асосий йўналишлари" деган машғулотини уюштириш ва ўтказиш | 2003 йил | ХТВ, РИПК, Наманган ВХТ бошқармаси, туманлари, мактаб кутубхоналари |
| 4.8.3. | Мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар кутубхона ходимлари, мактаб дарсликлари кутубхона методистларининг "Кутубхона – мактабнинг педагог тузилмаси бўлинмаси: тажриба, ривожланиш истиқболи" | 2003 йил | РИПК, Сирдарё ВХТ бошқармаси, тумани, мактаб кутубхоналари |
| 4.8.4. | Вилоят ХТХМОМИ қошида махсус кутубхонашунослик касбига эга бўлмаган кутубхоначиларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил қилиш | 2003-2004 йиллар | ХТВ, А.Авлоний номидаги ПҚМОҚТМИ, ВХТБ |
| 4.8.5. | Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида мактаб кутубхоначилари учун ўқув семинарлар ташкил этиш | 2003-2004 йиллар | РИПК, Андижон ВХТБ, Қўрғонтепа туман ХТБ |
| 4.8.6. | "Мактаб кутубхоналари фаолиятига янгича ёндашув" мавзусида Бухоро вилоятида "Мактаб кутубхоналари билан шуғулланувчи методистларининг илғор тажриба мактаби"ни ташкил этиш ва ўтказиш | 2004 йил март | ХТВ, РИПК, Бухоро ВХТБ, туман мактаб кутубхоналари |
| 4.9. | Самарқанд вилоятида "Мактаб кутубхоначиларининг малакасини оширишда метод бирлашмаларнинг роли" мавзусида метод бирлашма бошлиқларининг ҳудудий семинарини ташкил этиш ва ўтказиш | 2004 йил октябрь | ХТВ, РИПК, Самарқанд ХТБ, туман мактаб кутубхоналари |
| 4.10. | Қорақалпоғистон Республикасида "Библиотечная поддержка духовно-нравственного воспитания школьных традиций и новаций" мавзусида мактаб кутубхоначилари ва кутубхоналар билан шуғулланувчи методистлар учун семинар-машғулот ташкил этиш ва ўтказиш | 2004 йил сентябрь | ХТВ, Қорақалпоғистон Респ., ХТБ, РИПК, туман мактаб кутубхоналари |
| 4.11. | Мактаб кутубхоналари билан шуғулланувчи методистлар ўртасида "Йилнинг энг яхши методисти" кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш | 2004 йил май | ХТВ, РИПК, Қорақалпоғистон Респ., ХТВ, ВХТБ |
| 4.12. | Республика илмий педагогика кутубхонаси Халқ таълими ходимларига ва мактаб кутубхоналарига хизмат кўрсатадиган илмий-педагогик соҳа кутубхонаси, ахборот-библиографик ва мувофиқлаштирувчи марказ. (РИПКнинг 70-йиллик юбилейига бағишланади) | 2004 йил июнь | ХТВ, РИПК |
| **V. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналарга ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича кутубхоначилик, методик ва амалий ёрдам бериш** | | | |
| 5.1. | Сурхондарё вилояти мактаб кутубхоналарида маънавий-ахлоқий ишларнинг ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишлар асоси сифатидаги аҳволи тўғрисида | 2003 йил март | ЎзРХТВ, РИПК, Сурхондарё вилояти ХТБ, туман (шаҳар) мактаблари кутубхоналари |
| 5.2. | "Тарбиявий ишларни уюштиришда ўқувчиларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатишда Самарқанд вилояти мактаб кутубхоналарида ташкилий-методик раҳбарликнинг аҳволи тўғрисида" | 2003 йил сентябрь | РИПК, Самарқанд ВХТБ, туман (шаҳар) ХТБ, мактаб кутубхоналари |
| 5.3. | Андижон вилояти умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш аҳволи ва уни такоминлашувини ўрганиш | 2003 йил февраль | ЎзРХТВ, РИПК, Андижон ВХТБ, туман (шаҳар) мактаблари кутубхоналари |
| 5.4. | Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан умумтаълим мактабларида, мактабдан ташқари таълим муассасаларида маърифий ва маънавий ишларнинг аҳволи тўғрисида | 2003 йил сентябрь | РИПК, Навоий ВХТБ туман (шаҳар) мактаблари кутубхоналари |
| 5.5. | Фарғона ВХТБ да ўқувчилар маънавий ахлоқий тарбиясини амалга ошириш мақсадида ўқувчиларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатишнинг асосий йўналишлари тўғрисида | 2004 йил март | РИПК, Фарғона ВХТБ, туман (шаҳар) мактаб кутубхоналари |
| 5.6. | Шахсни ижодий, ижтимоий фаол, маънавий бой шакллантириш шарти сифатида болалар қироатхонлигига раҳбарлик қилишнинг устувор йўналишлари тўғрисида<br>Ўрганиш базаси — Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти. | 2004 йил октябрь | РИПК, Тошкент шаҳар ХТБ, Тошкент ВХТБ, туман (шаҳар) мактаблари кутубхоналари |
| 5.7. | Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналар илғор тажрибасини умумлаштириш ва кутубхона-библиографик хизмат бўйича уларни китобхонларга тақдим этиш | 2003-2004 йиллар доимий | РИПК, ҚҚХТВ, ВХТБ, туман (шаҳар) ХТБ, мактаб кутубхоналари |
| 5.8. | Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Президент асарлари билимдони" республика кўрик-танловини ўтказиш | 2003 йил декабрь 2004 йил декабрь | ЎзРХТВ, РИПК, ҚҚРХТВ, ВХТБ, туман(шаҳар) ХТБ |
| 5.9. | "Энг яхши мактаб кутубхонаси" республика кўрик-танловини уюштириш. | 2003 йил апрель, 2004 йил апрель | ЎзРХТВ, РИПК, ҚҚРХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳар ХТБ |
| 5.10. | Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Китобсеварлар" республика кўрик-танловини ўтказишда қатнашуви | 2003 йил апрел, 2004 йил апрел | ЎзРХТВ, РИПК, ҚҚРХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳар ХТБ |
| 5.11. | Ахборот маданиятини ўзлаштиришга хизмат қилувчи "Энг яхши мутоала қилувчилар", "Суперкитобхон", "Энг яхши китобхон синф" деб номланган вилоят, туман танловларини ташкил этиш ва ўтказиш | 2003-2004 йиллар доимий | ҚҚРХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳар ХТБ |
| 5.12. | Болалар бадиий ижодиёти фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш | 2003-2004 йиллар | ҚҚРХТВ, ВХТБ, Тошкент шаҳар ХТБ. |
| **VI. Мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштиришни методик ва ахборот жиҳатдан таъминлаш** | | | |
| 6.1. | Ўқувчиларнинг ахборот маданиятини–педагогик асосланган режалар; иш шакллари ва методларини шакллантириш. | 2003 йил, октябрь | Республика илмий педагогика кутубхонаси |
| 6.2. | Мактаб кутубхонасидаги пуллик кутубхоначилик хизматлари жорий этиш имкониятлари ва технологияси | 2003 йил, июль | РИПК |
| 6.3. | Умумий ўрта таълим мактаби кутубхонасида мавзувий картотекалар–маълумотнома-кутубхоначилик иш шаклларидан бири | 2003 йил, август | РИПК |
| 6.4. | "Кичик ёшдаги ўқувчиларга кутубхоначилик-библиографик ва ахборот билимлари" дастури. 1-4 синфлар | 2004 йил, июнь | РИПК |
| 6.5. | "Шахснинг ахборот олиш маданияти. Ўқувчиларнинг ахборот олиш маданияти асослари". 5-6 синф ўқувчилари учун дастур | 2003 йил, декабрь | РИПК |
| 6.6. | Мактаб кутубхоналарининг инновацион фаолияти | 2004 йил, июль | РИПК |
| 6.7. | Мактаб кутубхоначиларига ёрдам сифатида кутубхоначилик ишларига доир раҳбарий материаллар бўйича маълумотнома | 2004 йил, сентябрь | РИПК |
| 6.8. | Мактаб кутубхонаси педагогик тизим унсури сифатида (Мактаб кутубхонаси–таълим ва тарбиянинг махсус воситаларига эга бўлган педагогик муҳит) | 2003 йил, май 2003-2004 йиллар | РИПК |
| 6.9. | Республика мактаб кутубхоналарининг кутубхоначилик бўйича илғор иш тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштириш.<br>Мавзулар: "Мактаб кутубхоналари томонидан таълим жараёнини ахборот-кутубхоначилик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш".<br>"Болалар китоб ўқишига қилинадиган раҳбарликнинг устувор йўналишлари ижодий, ижтимоий фаол, маънавий бой шахсни шакллантириш шарт-шароити сифатида". | 2004 йил давомида | Наманган, Навоий, Сурхондарё вилоят ХТБ<br>Қорақалпоғистон ХТВ, Самарқанд,Сирдарё вил. ХТБ,Тошкент ш.ХТБ. |
| **VII. Мактаб кутубхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш** | | | |
| 7.1. | Мактаб кутубхоналарини замонавий кутубхона мебеллари: стелажлар, китоб жавонлари, китоб бериш кафедралари, китоб витриналари, қироатхонани жиҳозлаш учун бир тумбали столлар, стуллар билан жиҳозлаш чораларини кўриш. | 2003-2004 йиллар | ХТВ молия ва режалаштириш бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоят ХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ |
| 7.2. | Республика мактаб кутубхоналарини маиший ва компьютер-нусха кўпайтириш техникаси билан таъминлаш имкониятлари ҳақидаги масалани кўриб чиқиш. | 2003-2004 йиллар | *-*-*-*-*-* |
| 7.3. | Кутубхоналарни кутубхоначилик техникаси: жами ҳисобга олиш китоби, бажарилган ишларнинг ҳисобини юритиш кундалиги, китоб ва китобхонлик формулярлари ва бошқ. | 2003-2004 йиллар | ХТВ, дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси, РИПК, Қорақалп.Рес. ХТВ, вилоят ХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ |
| 7.4. | Кутубхоначилик техникаси, девонхона молларини харид қилиш учун кетадиган маблағларни кўпайтириш | 2003-2004 йиллар | ХТВ, Молия ва режалаштириш бош бошқармаси |
| 7.5. | Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарини ўқув зали, китоб сақлаш бўлими, китоб бериш бўлимидан иборат 3 ёки 4 хона билан таъминлаш | 2003-2004 йиллар | ХТВ капитал қурилиш бўлими |

*Mulohaza*

# ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

Азал-азалдан халқимиз, таълим-тарбияга жуда катта эътибор бериб келган. Ота-боболаримиз турли касб-ҳунарларни ёшларга қунт билан ўргатган, мадрасаларда исломий ва бошқа дунёвий фанлар ўқитилган. Масалан, 1420 йилда Самарқандда очилган Улуғбек мадрасасида ўз даврининг етук олимларидан Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий, Қозизода Румий ва "ўз даврининг Птоломейи" номи билан шуҳрат қозонган Али Қушчилар фалакиёт, илму нужум, математика ва бошқа аниқ фанлардан таҳсил беришган. XV аср муаррихи Хондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий ўз маблағига 52 работ, 19 ҳовуз, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча масжид, мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар каби хайрли иморат ва иншоотлар қурдирган. Тарих сабоқларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, ўтмишда яшаган илмли-маърифатли алломаларимиз жуда катта хайрли ишларни амалга оширишиб маърифатли жамиятни шакллантиришга интилганлар.

Масалан, мамлакат уруш хавфи остида қолиб, эл-юрт бошига катта ташвишлар тушган пайтларда сўфийлик тариқатининг намояндаларидан бири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, 1463 йилда уч ҳукмдор: Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад бир тарафдан, Андижон — Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзо билан, Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон иккинчи тарафдан Ховос яқинида катта қўшин билан тўқнашиб турганда, у можароларга қатъиян аралашиб, рақибларни ярашишга мажбур этади. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор эл-юрт тинчлиги йўлида ўз обрўси билан ўзаро урушнинг олдини олиб, мамлакатни навбатдаги вайронагарчиликлардан халос этган эди. Бу зотда бундай юртпарварлик туйғуси қандай шаклланган? Албатта, илм-маърифат асосида шаклланган юксак инсонийлик натижасида десак, хато бўлмайди.

Жамият тараққиёти босқичларида турли даврларда турли давлат тузилмалари шаклланди, ҳамда инқирозга юз тутди. Масалан, 875 йилдан 999 йилгача 124 йил ҳукм сурган Сомонийлар давлати, унинг серғайрат амири бўлмиш Исмоил Сомоний (874-907) даврида марказлашди ва қудратли давлатга айланди. Исмоил Сомоний ўз давлатининг қудратини оширишда атрофидаги иқтидорли вазирларига ҳамда олиму уламоларига суянганлиги манбаларда қайд этилади. Демак, қайси ҳукмдорнинг атрофида илм-маърифатли, иқтидорли одамлар бўлсагина давлат қудратли бўлган.

Бунга Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг давлатчиликни ташкил этиш сиёсатини ҳам мисол келтиришимиз мумкин. Лекин, 130 йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилган темурийлар давлатида сўнгги йилларда ўзаро келишмовчилик ва миллий бирлик йўқола борди ва охир оқибат темурийлар давлати барҳам топди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ҳар бир жамиятда миллий бирликни мустаҳкамлайдиган тузилмалар мавжуд бўлиши керак. Улар бевосита ўз таъсир доираларига эга бўлиб, ўзига хос механизми шаклланган бўлиши зарур. Агар ўша тузилма миллий бирликни мустаҳкамлайдиган кучларга эмас, шахсий манфаатларга хизмат қилувчи айрим гуруҳлар қўлига ўтиб қолса, қандай давлат бўлмасин, инқирозга юз тутиши муқаррардир. Бунга Хоразмшоҳлар давлатини мисол келтиришимиз мумкин. Чунки, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220) олий даргоҳи ичида кучли низо ҳукм сурарди. Айниқса, Турконхотун, яъни "Турклар онаси" номи билан шуҳрат топган Султон Муҳаммаднинг волидаси қўшиннинг олий саркардалари ҳисобланган қипчоқ оқсуяклари билан уруғ-қабила алоқалари орқали маҳкам боғланган эди. Ўз қабиладошлари манфаатлари йўлида саройда кўтарилган барча фитналарга бу аёл бошчилик қиларди. Шунингдек, ўз набираси, иқтидорли саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳам мавқеини пасайтиришга уринар эди. Катта қўшинга эга бўлган қудратли Хоразмшоҳлар давлати ички низолар кучайган бир пайтда Чингизхоннинг босқинига дучор бўлди ва Жалолиддин Мангуберди каби ватанпарвар саркардаларнинг мустақиллик учун олиб борган мислсиз қаҳрамонликлари мўғул босқинчиларининг қаршилигига учради ва 140 йил ҳукмронлик қилган буюк Хоразмшоҳлар давлати тарих саҳнасидан ўчиб кетди.

Шу ўринда тарих китобларида кенг ёритилган Россия империясининг истилочилик юришларини ҳам бир эсга олсак. Босқинчилар фақат ҳарбий устунлик билан ғалабага эришишни асосий мақсад қилиб қўймайдилар, улар қавмлар ўртасида ҳам ўзаро низо уруғларини сочиш орқали, хонликларни кучсизлантириш чораларини кўрдилар. Бундай таклифларни ўша пайтда Сибир қўшинлари қўмондони Г.Госфорд берган эди. У шундай дейди: "Биз аввало Ёйиқ (Урал) дарёси орқасидан кўчиб келган қозоқларни турғунлаштиришимиз ва қора қирғизларнинг турли элатларини ўзимиз томонга оғдириб олиб, сўнгра уларда қўқонликларга қарши душманлик кайфиятини уйғотишни қўллаб-қувватлаб туришимиз керак"...

Россия империяси мулозимлари маҳаллий халқларга мутлақо ишонмаслик, уларга беписандларча қараш каби шовинистик руҳ ва кайфиятларда эди.

Чор Россияси таъсирида мусулмонлар ва туркий халқларнинг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлиги ғоят хавфли бўлиб, унга тезлик билан барҳам бериш кераклигини XX аср бошларида жадид намояндалари англаб етдилар ва улар Туркистон озодлиги учун кураш дастурида асосан уч йўналиш мавжудлигини олға сурдилар. Яъни, янги усул мактаблари тармоқларини кенгайтириш, умидли ёшларни чет элларга ўқишга юбориш ва ниҳоят турли маърифий жамиятлар тузиш ҳамда зиёлиларнинг кучли фирқасини ташкил этишга қаратилган газеталар чоп этиш зарур эди. Ана шу муҳим дастурни амалга ошириш учун Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулло Хўжа Асадуллахўжаев, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби зиёли маърифатпарварлар жонбозлик кўрсатишди.

**Ибодулла ҚЎНҒИРОВ,**
**тарих фанлари номзоди**

# УЧРАШУВ

Соҳибқирон Амир Темур таваллуди муносабати билан ЖИДУда тадқиқотчи ва таниқли ёзувчи Ғулом Карим билан учрашув ўтказилди. Учрашувда Ғ.Карим буюк давлат арбоби ва моҳир саркарда Темурнинг ҳаёт йўли, у асос солган улкан салтанатнинг яқин ва олис мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлади. Айниқса, Соҳибқироннинг — ёшлик даврига кенгроқ тўхталиб, етук давлат арбобига хос ҳислатлар унинг шахсиятида ўсмирлик ва йигитлик йилларидаёқ шакллана борганини таъкидлаб, Соҳибқироннинг замондош ҳукмдорлар ва бошқа шахслар билан ёзишмалари ҳамда Шарқшунослик институти олимлари томонидан ўзбек тилида нашрга тайёрланаётган, "Сох ва алл" қиссаси ҳақида атрофлича маълумот берди.

**Ҳикматулла ТЎЛИБОЕВ,**
**ЖИДУ катта ўқитувчиси**

# "ПАРИ ЧЕҲРАЛАРКИМ ЖАФО ҚИЛДИЛАР..."

## хон қаламига мансубми ёки Амирий?

*Meros*

**Маъдалихон Умархон ўғли Қўқонда туғилган. У шеърларида Хон тахаллусини қўллар эди.**

**Хон ижодий меросининг гўзал намуналаридан бири унинг "Пари чеҳраларким жафо қилдилар", ... деб бошланувчи мухаммасидир. Бу мухаммас жуда гўзал ёзилган бўлиб, ўша даврда машҳур бўлган бўлса керак. Бундай дейишимизга сабаб, биз кўздан кечирган баёз ва мажмуаларда Хоннинг ижодидан фақат шу мухаммаси учрайди.**

**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 1933, 1808, 8206, 2075 тартиб рақамли нусхаларда бу мухаммас бор. Аммо 1933 тартиб рақамли баёзнинг $97^{б}$-$98^{а}$ саҳифаларида мухаммас қуйидагича берилган:**

*Пари чеҳраларким*
*жафо қилдилар,*
*Ғаму дард билан*
*мубтало қилдилар,*
*Муҳаббат билан*
*ошно қилдилар,*
*Мани рўзғорим*
*қаро қилдилар.*
*Жафокорлардур,*
*жафокорлар.*

*Алар ишқида*
*хастау зормен,*
*Жафо тиғидин*
*бағри афгормен,*
*Қаро кўзлари*
*бирла беморлиқ,*
*На зулм этсалар*
*жонима ёрмен,*
*Дилозорлардур,*
*дилозорлар.*

*Шоҳи мулки Ҳомун*
*қилурлар мани,*
*Бу дашт ичра Мажнун*
*қилурлар мани,*
*Кўзим ёши гулгун*
*қилурлар мани,...*
*Ситамкорлардур,*
*ситамкорлар.*

*Чу мен қоши*
*ёларни қурбониям,*
*Гирифтор зиндони*
*ҳижрониям,*
*Бу қотиллари*
*асру ҳайрониям,*
*Алар куштаи*
*тиғи ҳижрониям,*
*Бу хунхорлардур,*
*бу хунхорлар.*

*Қадим хамлиғи*
*қошлари ёсидин,*
*Хароб ўлмоғим*
*чашми шаҳлосидин,*
*Кўзим қони лаъли*
*таманносидин,*
*Жунуним ўшал*
*зулфи савдосидин,*
*На гунсорлардур,*
*на гунсорлар.*

*Кўзингдур манга*
*фитна барпо қилан,*
*Бошим узра юз*
*шууру ғавғо қилан,*
*Мани олам аҳлиға*
*расво қилан,*
*Кўнгул маҳзани ичра*
*яғмо қилан,*
*Бу айёрлардур,*
*бу айёрлар.*

*Чаманда хиром*
*айламиш ул пари,*
*Қилиб жилва*
*андоғки кабкидари,*
*Юз устина*
*гулбаргидин чодари,*
*Боши узра солмиш*
*қизил маъжари,*
*Гулинорлардур,*
*гулинорлар.*

*Таъжубки бу бир*
*неча дилрабо,*
*Ҳама элдин ортиқ*
*қилурлар жафо,*
*Демазлардурки*
*бу шоҳ эрур ё гадо,*
*Агарчанд Хони*
*замонам банго,*
*Ажаб ёрлардур,*
*ажаб ёрлар.*

Хон девонининг (1808 т.р.) $23^{а}$ - $24^{б}$-саҳифаларида мухаммас шу тартибда учрайди. Лекин 2075 тартиб рақамли баёзда бу мухаммас 26 банддан иборат. Унинг бунчалик ҳажмда бўлиши мухаммаснинг тўлиқроқ варианти эканлигини кўрсатмайди. Чунки, бу ерда баъзи бир бандлар уч-тўрт маротабадан ёзилган. Шу билан бирга девондаги мухаммасда, 1933 тартиб рақамли баёздаги мухаммасда учрамайдиган бандлар ҳам бор ва бу мухаммас шундай бошланади:

*Мани хонимоним*
*хароб айлаган,*
*Кўнгул ҳажр ўтидан*
*кабоб айлаган,*
*Юза рўмолин*
*ниқоб айлаган...*
*Бу маккорлардур,*
*бу маккорлар.*

*Тиғи кун-тун висолинг*
*хаёл айладим,*
*Бу фикр ила қаддимни*
*дол айладим,*
*Таманноми васлинг*
*хаёл айладим,*
*Кўнгул кўзгусига мисол*
*айладим,*
*На душворлардур,*
*на душворлар.*

*Қадингдин ниҳол*
*пиру шамшод эрур,*
*Қошингни тиғи хуни*
*зер жаллод эрур,*
*Лабингдин май*
*нам ижод эрур,*
*Кўзинг соқий базм*
*бунёд эрур,*
*Бу хумморлардур,*
*бу хумморлар.*

*На ўқ тегди бағрима*
*мужгонидин,*
*Чу кифриклари туши*
*пайконидин,*
*Агар фош этай*
*раҳим ниҳонидин,*
*Бу тан кўксум ичра*
*гулфонидин,*
*На гулнорлардур,*
*на гулнорлар.*

Мана шу тартибдаги 10 та (қолган мухаммасларда учрамайдиган) банддан сўнг:

*Қадим хамлиги*
*қошлари ёсидин,*
*Хароб ўлмоғим*
*чашми шаҳлосидин,*
*Кўзим қони*
*лаъли таманносидин,*
*Жунуним ўшал*
*зулфи савдосидин,*
*Накунбедорлардур...*

деб давом этиб кетади.

Бу ерда битта чалкашлик туғдирувчи фикр бор. Бу ҳам бўлса мухаммаснинг ЎзФАШИдаги 8206 тартиб рақамли баёзнинг $178^{б}$-$179^{б}$ саҳифаларида Амирийга нисбат берилиши. Нима учун бу мухаммас Амирийда ҳам учраяпти? Балки бу баёзни тузган ёки кўчирган ҳаттотнинг хатосимикин? Бу ҳақда биз тахминлар қила оламиз, холос. Лекин кўриб чиққан баёзларимизнинг барчасида ушбу мухаммас Хон ( Маъдалихон — Ё.С). қаламига мансуб деб берилган. Амирий ғазал ва мухаммаслари нашрида (Тошкент-1972) бу мухаммас йўқ. Лекин Амирий девонининг мукаммал нашрисиз аниқ гап айтиш қийин. Қўлёзма манбаларни чуқур ва атрофлича ўрганиш шуни кўрсатадики, бизнингча, мухаммасни Амирий эмас, Хон ёзган бўлиши керак. Худди шу баёзда (яъни, 8206 т. рақамли) бу мухаммасга ўхшатиб ёзилган Мирза Мурассаъ номли шоирнинг мухаммаси ҳам берилган.

Маъдалихон Фузулийнинг қаттиқ таъсири остида шеърлар ёзган. Унинг шеърларида озарбойжонча сўзлар жуда кўп учрайди:

Эй мусаввир, кел қотимда
чек нигорим сурати,
**ВЕРМАДИ** таскин фалак
лавҳандаки сурат **БАНГА**.

* * *

Ҳурмат учун **ҚЎЯЛИМ**
бода оёғи сурмасин,
Бу сулук раҳи навин дайри муғом пириндин.
**ВОРДУР** ери гар меҳр
кўзим айласа равшан,
Ул гардки қолдурди сабо
руҳгузорингдин.

Хуллас, ўз замонасининг истеъдодли шоирларидан бўлган Маъдалихон (Хон) ҳаёти ва ижодий меросини чуқурроқ ўрганиш, мавжуд асл манбалар асосида нашрга тайёрланган Хон шеърий тўпламини чоп эттириш келгусидаги эзгу ишлардандир.

**Ёрқиной СУЛТОНОВА,**
**Фарғона туманидаги**
**3-мактабнинг**
**она тили ва адабиёт фани**
**ўқитувчиси**

# БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИ

## (Олтинчи мақола)

**Жалолиддин РУМИЙ**

*Комил инсон тушунчаси бир неча асрлардан бери файласуфлар ақлини банд этиб келади. Хўш, мукаммал шахсият қандай бўлмоғи керак? Бу саволга ҳар олим ўзича жавоб излайди, топади ҳам. Бироқ, ҳали барчага тушунарли узил-кесил жавоб топилганича йўқ.*

*Баъзи файласуфларнинг фикрига кўра, комил инсон шахсиятини, фикр-мулоҳазаларини халқ яхлитлигича қабул қилмайди. Негаки, унинг илм даражаси барча-барчадан юксакда бўлади ва кўпчилик учун маъносиз туюлади. Шу боис комил инсонни ўз замонасида бирдек танимайдилар, тан олмайдилар. Мисол тариқасида айтсак, "Рамаяна" фильмидаги жаноби Рамни золим Раван яланговқ, тахтдан ҳайдалган дайди, деб ўйлаган эди-ку? Худди шу каби буюк инсонларнинг фазилатлари баъзи даврларда ҳатто жиноят сифатида кўрилган. Коинот сирасрорини ечишга интилган баъзи мунажжимларни ўтда куйдирганлар, уларнинг бемисл истеъдодини шайтон найранги ила боғлаганлар. Шу тариқа не-не кашфиётлар амалга ошмасдан қолиб кетган.*

*Бунинг боиси нимада ўзи? Жоҳилликдами, ҳасадгўйликдами? Ҳазрат Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" отлиғ рисоласида одамларни асосан икки тоифага ажратади. Биринчиси — авом иккинчи тоифа эса хос, яъни Ҳақ тарафидан танлаб олинган олимлар. Авом халқ оддийгина нарсадан ҳайратланишади ва уларнинг ҳайрати залолат (адашишлик, йўлдан чиқишлик, гумроҳлик)-га етаклаб боради: "Шайх ул-Ислом қ.с. дебдурки, ҳайрат иккидур: бири ом ҳайрати ва ул илҳоду залолат ҳайратидур..." Олимлар ҳайрати шу тариқа таърифланади: "... яна бири хос ҳайратидур ва ул ҳайрат аёндадур ва топмоқдур..." Яъни, фақатгина хос кишилар ҳайрати орқали кашфиётлар сари йўл очилади.*

*Аммо... аммо, хос ҳайратини авом халқ тушунмайди, тан ҳам олмайди. Ўз навбатида хос кишилар тушунмайдиган илм бор. Бу — Ҳақиқат илми. Навоий ёзадики: "Зуннун қ.с. дедиким, уч сафар қилдим ва уч илм кетурдум. Аввалги сафарда илме кетурдумким, хос қабул қилди ва ом (омма, халқ —Б.Р) ҳам қабул қилди. Иккинчи сафарда илме кетурдимким, хос қабул қилди ва не ом (қочоқ, қувғин ва ёлғиз бўлиб қолдим)..."*

*Бу илмлар қанақа илм экан? Биринчиси — тавба илми. Яъни, шариат. Фалон нарса ҳалол, фалон нарса ҳаром. Намоз бу тариқа ўқилади. Рўза бундай тутилади. Закот хосияти, Ҳаж савоби... ана ўша қадриятларни авом тез тушунади. Олимлар ҳам. Иккинчиси - таваккул, муҳаббат илми. Яъни, тариқат. Тариқат қонун-қоидаларини авом бир қадар тушунмоғи мумкин. Аммо, кўпчиликнинг онг даражаси тариқат моҳиятини англашга ожизлик қилади. Тариқат — хос кишилар аъмоли. Учинчи илм эса... Ҳазрат таъбирича: "Учунчи, ҳақиқат илмидурким, элнинг илму ақли тоқатидин ташқари эрди. Халойиқ англамадилар ва ани инкорға қўптилар".*

*Демак, Ҳақиқат илмини аксарият олимлар ҳам қабул қилишмайди. Шайх Мансур Ҳаллож шу илмни илғаган эди. Уни тушунмадилар ва ваҳшиёна тарзда ўлдириб, кулини дарёга сочиб юбордилар.*

*Кўпгина шарқ файласуфлари мукаммал шахсият деганда Мансур Ҳалложни тушунишади. Бу ҳақда аввалги мақолаларимизда қисман тўхталган эдик. Мазкур мақолада комиллик мақомини баҳоли қудрат таҳлил этмоққа жазм қилмоқчимиз.*

*Халқимизда, беайб парвардигор, деган нақл бор. Алҳол, Ҳақдан бошқа жаъмики махлуқотлар камчилигу нуқсонлардан холи эмаслар. Илму ҳикматда ягона, донолар доноси мақомига эришган алломалар ҳам баъзида хатога йўл қўядилар. Инсон ўз қусурини яшириб яшамоғи мумкин. Бироқ, бир кунмас бир кун фош бўлиши аниқ.*

*Фақат Тангригина ҳамма нарсани билади. Чунки, унинг ўзи ҳамма нарсани яратган-да! Инсон зоти эса тахмин қилади, тусмоллайди. Лекин, айнан ҳақиқатнинг ўзини билмайди, билса-да тушунтира олмайди. Тангри яратувчи. Унинг ўзи яралмаган. Бор ва доимо шу ҳолда қолаверади.*

*Бу ёруғ дунёни Тангри зиддиятлар гирдобида бино қилган. Бироқ эзгулик мақоми юксак. Инсон ўзини таниса буюк кучга айланади. Мавлоно Жалолиддин Румий дейдики: "Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир. Зулмат ва пардаларнинг бўлишига қарамай, инсон ичидаги бир нарсани ўқий олади. Энди қара, ўртадан пардалару қоронғуликлар кўтарилса, у нималарни билиб олмайди, дейсан. Ахир, тикувчилик, меъморчилик, дурадгорлик, заргарлик, мунажжимлик, ҳакимлик ва яна саноқсиз санъатлар ҳам инсондан, унинг ичидан юзага чиққан, тошдан ё кесакдан ҳосил бўлмаган..."*

*Тасаввур қилинг: бир ўқувчи фанларни зўрға ўзлаштиради. Ўқишга майли йўқ. Дарс чоғида мудраб ўтиради. Хўш, уни қолоқлар сафига қўшса бўладими? Мабодо унга "сенинг калланг яхши ишламайди — сендан одам чиқиши қийин" десангиз ана шу фикрга ишона боради. Айниқса, ўқитувчиси айтса. Оқибат натижада қолоқлигига кўникади.*

*Аксинча ҳаракат қилинса-чи? Эҳтимол ўша ўқувчининг ёрқинроқ жиҳатлари мавжуддир? Дейлик, дурадгорлик жабҳасида. Муаллим қолоқ ўқувчисининг ҳунарга рағбатини ўрганмоғи жоиз. Мабодо, пайқаса, бирор буюм ясаб келишини буюради. Табиийки, ўқувчи ўзини кўрсатишга интилади. Ўқитувчи "мана, болалар, ораларингда туппа-тузук дурадгор бор экан. Қаранглар, машинани ёғочдан қандай зўр ясабди. Худди ўзи-я?" деса, мақталган бола яйраб кетади. Уйига бориб машғулотга янада ихлос ила киришади. Устози ишончини оқлашга ҳаракат қилади.*

*Аксарият ҳолларда жисмоний нуқсони мавжуд болалар бирон жабҳада яққол ажралиб кўринишга уринадилар. Шу тариқа бошқалар назаридан туғма камчилигини бекитадилар. Умуман олганда, мақтов орқали ҳам боланинг пинҳон қирраларини очиб юбормоқ мумкин.*

*Инсон ўзини ўзи кашф этади. Риёзат, машаққат чекиб саодатга эришади. Инчунун, буюклик йўли мушкулдир. Бу йўлда ғанимлик, ҳасадгўйлик, баднафслик каби ўнлаб иллатлар учрайди. Ана шу иллатлар гирдобидан соғ-омон ўтган кишиларгина юксак мақомга чиқадилар.*

*Илм ва амал айрича фаолият. Румий ҳазратлари таъкидлагани каби: "Амал ҳамда илм мавжуддир. Баъзиларнинг амали бору илми йўқ. Баъзиларда эса — аксинча. Агар инсонда ҳам амал, ҳам илм бўлса, у ўта муваффақиятли зотдир. Бунга ўхшаган нарса шудир: Бир одам йўл юради, аммо бу — унинг йўлими, йўқми, билмайди, кўр-кўрона ҳаракат этади. Ниҳоят, қаршисидан маъмур бир ер чиқади ёхуд хўрознинг қичқириғини эшитади. Бошқа биров эса йўлини ҳам, манзилини ҳам билади. Унинг учун аломату ишоратга ҳожат йўқ. Иш унинг қўлидан келади. Энди қиёсланг, бу одам қаердаю наригиси қаерда? Демак, илм ҳамма нарсадан устундир". Дарҳақиқат, илм ва амал муносабатлиги инсонни буюклик сари етаклайди. Аммо, ҳамма вақт ўша мутаносиблик амалиётга кўчавермайди. Дейлик, довруғи етти иқлимга кетган шоир дўстлик, соф муҳаббат, саховат борасида ўтли мисралар битади. Олис бир қишлоқдан ашаддий мухлисаси, соҳибжамол бир қиз унинг ҳузурига интилади. Бироқ, шоирни такаббур алфозда кўради: доимо сархуш, оғзидан турли гаплар чиқади, мақтанчоқ, шилқим ва ҳоказо. Табиийки, мухлисанинг шоирдан ихлоси қайтади. Энди вазиятни таҳлил этайлик: ўша одамда илм бору амал йўқ. У истеъдоди боис мўъжизалар яратади, оташин мисралар ила ўқувчи қалбини забт қилади. Одамларни эзгу мақсадлар сари чорлайди. Лекин ўзи бошқа йўлдан юради. Илми бору амал... Худди шу жиҳат мухлисани шубҳалантиради.*

*Истеъдодли одамлар янглишишлари ҳам мумкин. Шон-шуҳрат, бойлик йўлдан оздирмоғи бор гап. Аммо, уларнинг зотидан кўз юммаслик жоиз. Мавлоно Румийдан нақл: "Дедиларки: Саид Бурҳониддин Муҳаққиқ сўзлаётганда, биттаси келди ва: "фалончидан сенинг мадҳингни эшитдим" деди. У: "Кўрайлик-чи, ул зот қандай одам экан? Мени таниб мақтай оладиган аҳволдамикан? Мени агар сўзларимдан таниган бўлса, танимаган демакдир. Чунки бу сас, бу оғиз, бу лаб... ўткинчи, буларнинг ҳаммаси белгилардир. Ишларим орқали таниган бўлса, яна шундайдир. Аммо зотимни таниган бўлса, у ҳолда, мени танибди. Фақат шундагина у мени мақтай олади ва мақтовининг менга тегишли эканини биламан", деди".*

*Ғоятда ибратли нақл. Мақтовнинг ҳақиқийлиги шу мезон орқали ойдинлашади. Тасаввур қилинг: довруғли санъаткор. Қўшиғини эл севиб эшитади. Мақтови тилларда достон. Бироқ, у шон-шуҳратдан эсанкиради. Ичкиликка берилиб кетди. "Алкаш" дея ном олди. Уни мақтаган кишилар таъна тошларини отадилар. Устидан куладилар, масхаралайдилар. Ва оқибатда қўшиғини ҳам, сўзларини ҳам эшитмай қўйишади. Одоб-икромли, нуфузли пайтида санъаткор барчага керакли эди. Йўлдан адашган чоғ кўпчилик ундан юз ўгирди. Демакки, ўша санъаткорга бўлан ихлос чин кўнгилдан чиқмаган.*

*Ҳақиқий мухлис ҳар қандай вазиятда ҳам содиқ қолаверади. Зот масаласи худди шу йўсинда изоҳланмоқда.*

*Боболардан эшитганимиз бир нақл ёдга тушади. Қайсидир шайхнинг муридлари ниҳоятда кўпайиб кетибди. Намозга имомликка ўтса орқасига мингминглаб оломон йиғиларкан. Ҳатто, масжид саҳнига сиғмасдан саф кўчаларгача чўзилар экан. Бундан ўша шайх хушнуд бўлиб, пирига мақтанибди. "Сен буларни бир синаб кўр!" дебди пири. "Қанақасига?" "Кўчқорнинг тухумдонини оласан. Шиширасан. Саждадан тураётганингда ҳеч кимга билдирмай қўйворасан. Қани муридларинг қай аҳволга тушар эканлар?" Шайх шундай қилибди. Қараса, ҳамма ёқда ур-сур. Муридлар "пиримиз таҳоратни бузди — ел чиқариб юборди" дея тезгина тарқалишибди. Фақат бир мурид бамайлихотир намозини ўқийверибди. Унинг ортида турган мурид буни кўриб, қайтиб келибдида намозини давом қилдирибди. Ўша воқеани шайх пирига гапириб берганида "Ҳақиқат ойдинлашди. Аслида сенинг бир яримта муридинг бор экан" дебди...*

*Одам бировларнинг айбини, камчиликларини тез илғайди ва шундан хулоса ясайди. Бироқ, ўз нуқсонини унчалик сезмайди. Агарда сидқидилдан сезганида эди бошқалардан камчилик ахтариб ўтирмай, аввало ўзи қусурини тузатишга киришган бўлур эди. Гоҳида нуқсонларидан кўз юмиб кетади ёхуд "Мендан ҳам баттарлар бор-ку?" дея овунади.*

*Румий ҳазратлари дейдики: "... Бир филни суғормоқ учун сув бўйига келтирдилар. У ўз аксини сувда кўриб ҳуркиди. Лекин у бошқасидан қўрқдим деб ўйлар, ўзидан чўчиганини эса билмасди. Инсон ўз каллигидан ва чипқонидан ирганмас. У ярали қўлини бемалол овқатга узатади, ялайди. Бундан унинг кўнгли айнимайди. Аммо бировнинг қўлида кичик бир чипқон ёхуд яра кўрса, бас, овқат ейишдан тўхтайди, жирканади. Инсондаги ёмон феъллар ҳам каллар ва чипқонларга ўхшайди. Ўзида бўлганида ҳеч ирганмайди, ўзгада бўлсачи, жирканади, нафрат этади. Сен ундан ҳуркканингдек, у ҳам сендан чўчиса, инжиса, уни хуш кўр. Сенинг хафа бўлишинг унинг айбидир. Чунки уни кўришинг сабабли таъбинг тирриқ бўляпти. Шу билан бирга, у ҳам (сени) худди шундай кўради".*

*Ўша таққосдан Мавлоно Румий қуйидагича хулоса ясайди: "Пайғамбар алайҳиссалом "Мўмин мўминнинг ойнасидир" (ҳадис) дея буюради. Бу кофир кофирнинг ойнаси бўлолмайди, дегани эмас. Унинг ойнаси бор эди, фақат у бундан ғофилдир". Демак, бошқаларга қараб инсон ўзини тузатади, рисоладагидек яшашга интилади.*

*Савол туғилиши мумкин: идеал инсон борми ўзи? Барча камчиликларини тузатган комил инсон борми? Бу саволнинг жавоби шуки, одамзод ҳеч қачон жамики хатолардан холи бўла олмайди. Мабодо шу мақомга етса-да уни мукаммал шахсият демоқ ноўрин. Нега шундай? Чунки, дунёни билмай туриб комиллик касб этиб бўлмас.*

*Маълумки, дунёни билишнинг уч тури мавжуд: ҳиссий, ақлий ва нубувват. Даҳо шоирлар олам асрорини ҳиссий тарзда биладилар, олимлар мантиқий хулосалар воситасида ақлий йўсинда биладилар. Нубувват — пайғамбарларга хос билиш.*

*Сир-асрорни билган одам ҳақ бўлади. У ҳеч қачон манзилидан адашмайди, бошқаларни ҳам тўғри йўлга бошлайди. Бирор шахс идеал сифатида баҳолансаю унга эргашган кишилар йўлдан адашишса, демак у мукаммал шахсият эмас.*

*"Анал-Ҳақ" калимаси замирида худди шу масъуллик туйғуси пинҳондир. Бу калимага Жалолиддин Румийнинг муносабати қандай? Келгуси мақоламизда мазкур мавзуда фикр юритамиз.*

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

**Bugungi barpo etilayotgan militsiya tayanch punktlarini faqat ichki ishlar xodimlarining yoki profilaktika inspektorining xizmat majmuasi deb qarash noto‘g‘ri bo‘ladi.**

**Oliy va o‘rta maxsus o‘quv yurtlarida boshqa “yig‘-yig‘”lar ham shu qadar ko‘payganki, nahotki pul odamlarning “xudo”siga aylangan bo‘lsa, deb o‘ylab qolaman.**



# “Олмайдиган” домла

## “оладиган” ҳамкасбидан кўра обрў-эътиборлидир

## (Маърифат, 2003 йил 5 март)

## ТИЛИ ҚИСИҚНИНГ АЙБИ БОР

*Ушбу мақолани ўқиб чиқибоқ, унга муносабат билдирмоқчи бўлиб қўлимга қалам олдим. Лекин мавзу юки оғирлик қилдими, бирданига журъат қилолмадим. Ҳамкасбларимга ҳам ушбу мақолани ўқиб чиқишларини маслаҳат бериб, ниҳоят, фикрларимни оққа туширдим.*

*Кўз ўнгимда талабалик йилларим...Ҳа, биз — ўттиз йиллар аввалги талабалар басма-басига ўқирдик. Энг пассив курсдошимиз ҳам баҳо дафтарчасига “удов” туширмасликка ҳаракат қиларди. Агар “уч” баҳо олиб қолса, у ярим йилга стипендиядан маҳрум бўларди. Ўқитувчиларимизга пора бериш у ёқда турсин, тузукроқ совға беришга ҳам журъат қилолмасдик. Имтиҳон тугагач, бир даста гулни қўлига тутқазардик. Гап шундаки, ўқитувчи фидойи, мағрур инсон, у талабалари олдида тили қисиқ бўлиб ўз обрўсини тўкмаслиги керак.*

*Ҳозирги вақтда шартнома асосида ўқиётган талабалар гўёки эркатойга айланиб қолишди. Таълимнинг бу шакли янгидан жорий этилганлиги сабабли унинг моҳиятини тўғри англамаган аксарият талабалар “грант”чилардан ўзларини устун қўйишмоқда. Улар мавсумий дала ишларида умуман иштирок этишмайди. Пора бериб баҳо олиш уларга ва айрим ҳолларда сиртдан ўқиётган талабаларга жуда қўл келаяпти.*

*Мақоладаги шахслар тўқима эмас, ўқитувчиларга ҳам тўғри таъриф берилган. Аслида учинчи тоифа ўқитувчини биринчи тоифага мансуб, деб белгилаш керак эди. Бизнингча, иллатдан қутулишнинг иккита йўли бор: биринчиси, ўқитувчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш, иккинчиси, “оладиган”ларни фош қилиб, ишларини судга ошириш.*

***Азимжон ПЎЛАТОВ,***
***Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси.***

## МЕНИНГ ФИКРИМ БОШҚАЧА

**Самарқанд Давлат Университетининг кундузги бўлимида бир йил, сўнгра сиртқи бўлимида ўқиганман. Аммо домлалар билан талабалар ўртасидаги “олди-берди”га сира гувоҳ бўлганим йўқ.**

**Менимча, ўқисанг, изलансанг, курашсанг ўзинг истаган баҳойингни оласан. Домлаларга бу тамғанинг босилишига мен тамоман қаршиман. Бундай қинғирликлар бемаза талабанинг миясидан чиқади.**

**Болаларга дарс бераман. Уларга ҳам ҳар доим укдираман:“Ўқинг, уқинг, билимингиз етарли бўлса, ҳар қандай даргоҳнинг эшиги сиз учун очиқ. Пора бермасдан ҳам ўқишга кириш ва пухта билим эгаллаб, етук мутахассис бўлиш мумкин. Мана, мен сизга бу борада мисол бўла оламан”. Ортиқча фикрларни баён қилишимга ҳожат бўлмаса керак.**

***Ҳ.ЭРГАШЕВА,***
***Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги 76-мактаб ўқитувчиси***

## АНДИША ЮЗИГА ПАРДА ТОРТИЛГАЧ...

*“Олмайдиган” домла” оладиган ”ҳамкасбидан кўра обрў-эътиборлидир” (“Маърифат”, 2003, 5 март) мақоласида долзарб муаммо кўтарилган. Яширишнинг ҳожати йўқ, таъмагирлик ва порахўрликнинг оқибати хавфли бўлиб, кишиларни жар ёқасига олиб бориб қўйиши ҳеч гап эмас. Энг муҳими, ўқув юртларида илдиз отаётган бу машъум иллат ёшлар тарбиясига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатади. Дейлик, тиббиёт олий ўқув юртлари ёки коллежларида пул билан ўқиб, ҳеч нарса билмай, муассасаларга борганда бундай кадрлар қандай “каромат” кўрсатади? Инсон саломатлигини улар қўлига топшириб бўладими? Муҳтарам Юртбошимиз ҳар гал сўзлаган нутқларида пок, иймонли, ҳалол, ўз касбига садоқатли мутахассисларни етиштиришимиз керак, деб қайта-қайта таъкидлайдилар.*

*Муаллиф мақоласини ишонарли воқеалар асосига қўйиб, “ўқ”ни нишонга бехато урган. Филология фанлари доктори, профессор марҳум Очил Тоғаевдек домланинг ҳалол устоз бўлганлигини биз ҳам биламиз.*

*Чиндан ҳам айрим ўқитувчиларнинг таъмагирлик кўчасига кириб кетганлиги ҳақидаги миш-мишлар қулоққа чалинади. Мақоланинг учинчи ҳолатидаги фикрлар ҳам асосли. Гап шундаки, илгарилари билими пастроқ, ўзига ишонмайдиган талабалар “халқаро” баҳо олишса, дўпписини осмонга отишарди. Бугунги ўшанақа талабанинг “тойча” “4”га ҳам қаноати йўқ, фақат “5” бўлсин. Қани , ўша “5”га яраша билим? Бунинг ўрнига у ўзининг 50-60 соатлаб дарс қолдиргани, оралик, жорий, якуний назоратларда юқори балл тўплай олмагани билан иши йўқ. Қандай бўлмасин, юқори балл олиш учун домла билан “сулҳ” тузиш режасини ўйлайди. Кўнгли бўшроқ домла узатилган пулга суст кетиб, ишни хамирдан қил суғургандек тез ҳал қилиб беради. Талаба ҳам хурсанд, домла ҳам. Лекин “фалончи домла пул олармиш” деган гапнинг ўзи қанчалик шармандали ҳол эканлигини бир ҳис қилиб кўринг. Домла шу даражага етгунча қанча йўлни босиб ўтди. Олий маълумотли, оилалик, илмий даража ва унвонлар, обрў-эътиборни айтмайсизми? У буни ким билиб ўтирибди деб ўйлар, афсуски “йиғилган” куниёқ бу гапнинг қаноти чиқади. Боз устига йиғилиш, ўзаро гурунгларда бундайларнинг ўзи қолиб, бошқаларни айблашига нима дейсиз? Бундай домлалар аввал ўзига боқиб, кейин ноғора қоқишса бўларди.*

*Талабаларда ҳам айб бор. Жоннинг ҳузурини кўзлаб, дарсларга келишмайди, пулга, таниш-билишга суянишади. Айримлари бойвачча сифатида дарсларга аҳён-аҳёнда номига, турли автомашиналарда ўзларини кўз-кўз қилиб, келиб кетишади. Улар “узатганини олган” домлаларни мақтаб, “кўрдингизми, бу “мужик” домла-да”, дея “мақтанади”. Дастур асосида ёзма иш қабул қилинади, оғзаки савол-жавоблар ўтказилади. Бу синовларда айримлар ижобий баҳо олишади, қолганлари ғирт саводсиз, ўқишга қандай қилиб кириб қолганига ҳайрон қоласиз. Нимага шундай? Лекин масъулиятни ҳис қилиб ўқийдиганлар ҳам бор. Балки улар кўпчиликни ташкил этар.*

*Газетада кўтарилган баҳсталаб мақола кўпчиликни бефарқ қолдирмайди. Жиддий ўйлаш, тўғри йўлни танлаш, қинғир иш бугун бўлмаса, эртага ёмон оқибатларга олиб келишини эсдан чиқармаслик керак.*

***Қудрат ЖЎРАЕВ,***
***Термиз Давлат университети ўқитувчиси***

### Aks-sado

## МАҚОЛАНИНГ НАТИЖАСИ НИМА БЎЛАДИ?

Ўзим Қарши шаҳридаги ҳунар мактабларидан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Катта қизим Қарши Давлат университетининг тарих факультетида ўқийди. Ўғлим эса Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг иқтисод факультетида талаба. Иккаласи ҳам тўлов-шартнома (контракт) асосида ўқишади. Бироқ мен шартнома пулини эмас, балки талабаларнинг сессия пайтидаги пул билан боғлиқ муаммолари ҳақида гапирмоқчиман. Фарзандларим дарс қолдиришмайди. Шундай бўлса ҳам сессия пайти албатта,имтиҳон ёки синов топширадиган домлага пул беришлари шарт. Пулнинг “ставкаси” фанининг нуфузига боғлиқ. Бу ўртача 500 сўмдан 10000 сўмгача. Бунда қайси факультетда ўқиётганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Айрим домлалар уялмай-нетмай, “Нега фалончига 10 минг сўм берасан, менга 5 минг сўм. Менинг ундан қаерим кам?” деб айтишдан ҳам истиҳола қилмаяптилар. Агар талаба пул бермаса, баҳо ҳам насия. Табиийки, ҳамма талаба ҳам айтилган “ставка”ни беролмайди. Чунки моддий етишмовчилик бунга монелик қилади. Талаба буни ўйлаб, изтироб чекади, руҳан эзилади. Келажакка ишончи, умиди сўнади. Бу қадар ноҳақликларни кўриб, фарзандларимнинг ҳам ўқишдан кўнгли совиб кетмоқда. Ўқишни сиртқи бўлимга ўтказамиз, ишлаймиз, дейишади. Аммо сиртқи бўлим тушмагур ҳам осонликча ҳал бўлмайди.

Мақолани қайта-қайта ўқиб, ҳайрон қоламан. Республикамизда нашр этилаётган марказий нашрларнинг аксариятида таълимдаги салбий ҳолатлар ҳақида фикр юритилмоқда. Лекин натижаси-чи? Агар бирор мактабдаги нохуш ҳолатлар, масалан таъмирлаш, ўқув жиҳозларининг етишмаслиги танқид қилинса,тегишли ташкилотлар жавоб хати йўллашади. Нима учун ўқитувчи талабадан пора олаётганлиги ҳақида тегишли вазирлик лом-мим демайди? Чунки оддий ҳаёт қонуни бор: сен менга тегма, мен сенга тегмайман.

Газетада мақола чоп этилади, газетхонлар ўқийди, баъзилари фикр билдиради, айримлари қўл силтаб қўя қолишади. Шу билан ҳамма ўзининг кундалик юмушларига шўнғийди. Мақола ҳам гўёки унутилади. Бу билан нима ўзгаради, ҳурматли таҳририят? Энг аянчли иллатни кўтариб чиққанлиги билан “Маърифат” газетасини табриклашимиз мумкин. Аммо мақоланинг кейинги тақдири-чи?

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бошқа “йиғ-йиғ”лар ҳам шу қадар кўпайганки, наҳотки пул одамларнинг “худо”сига айланган бўлса, деб ўйлаб қоламан. Агар газетадаги “Олмайдиган” домла...” мақоласини ўқимаганимда, эҳтимол дардларим оқ қоғоз узра тўкилмас ва почта орқали пойтахти азимга жўнатилмас эди.

Ахир бу ҳол қачонгача давом этиши мумкин? Нима эксанг, шуни ўрасан, дейишади. Ёшларимиз қалбига эзгулик уруғини эксак,у бир кун мева беради. Ва у ҳам ўз навбатида бошқаларга зиё тарқатади. Аксинча бўлса-чи, азизлар?

***Саноат ЭШМУРОДОВА,***
***Қарши шаҳри***

### O‘quvchilar ibrati

## СУВ — ОЛЛОҲ НЕЪМАТИ

Маълумотларга қараганда, инсон саломатлигининг 50 фоизи у яшаётган муҳит, 20 фоизи ирсий касалликлар, 20 фоизи эса тиббий ёрдам билан боғлиқ экан. Мана шундан ҳам кўриниб турибдики, биз кўпинча эътибор бермайдиган атроф-муҳит, сув, ҳаво тозалиги бугунги кунда энг долзарб муаммога айланиб бормоқда. Жумладан, бугунги кунда сувни ифлос қилиш ва ундан оқилона фойдаланмаслик одамлар учун оддий ҳол бўлиб қолди. Обиҳаёт аталмиш сувни тежаш, қадрига етиш тушунчаларини кишилар онгида чуқурроқ уйғотиш мақсадида юртимизда 2001 йилдан буён ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Томчи сувда ҳаёт жилваси» номли кўрик-танлов кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси ХТВ ва Республика таълим маркази томонидан ташкил этилган бу танловда мамлакатимизнинг барча мактабларидан ўқувчилар қатнашмоқда. Жумладан, Навоий шаҳридаги 9-мактаб ўқувчилари ҳам унда фаол иштирок этмоқда.

Ўқувчилар ушбу танловда иштирок этиш жараёнида турли тадқиқотлар, савол-жавоб ва суҳбатлар уюштиришади ва ўзларида экологик маданиятни шакллантириб борадилар. Масалан, танловда қатнашганлар «Сув — ҳаёт манбаи» ёки «Сувни тежаш бизнинг бурчимиз» мавзуларида ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар билан суҳбат олиб боришди. Шу ўринда уларнинг баъзи тадқиқот ишларига эътибор берайлик. Масалан, мактабда бир кунда 465 м$^3$ ичимлик суви, бошқа мақсадларда эса 388 м$^3$ миқдорида сув ишлатиларди. Тушунтириш ишлари олиб борилиб, сувдан фойдаланиш жойларига турли эслатмалар ёзиб қўйилгач, сувдан фойдаланиш 450м$^3$, бошқа мақсадларда эса 372м$^3$ га тенг бўлди.

Сувдан фойдаланиш тармоқларининг олдида навбатчилик ташкил этилгач, юқоридаги рақамлар 400м$^3$, бошқа мақсадларда эса 320м$^3$ га камаяди.

Кўриниб турибдики, бу билан ўқувчилар ўзлари билан бирга атрофдаги одамларда ҳам уйда, мактабда, ташкилотларда, экинларни суғоришда, овқатланиш, ювинишда сувни тежаб ишлатиш, сувга нисбатан лоқайд бўлмаслик масъулиятини уйғотмоқда. Ота-оналар эса бу ишларда ўқувчиларга ёрдам бериш билан бирга ўзлари ҳам сувга нисбатан эътиборли бўлмоқдалар. Танлов иштирокчилари яқинда Малик чўлидаги сардобалардан бирига ташриф буюришди, тоза сув манбаи бўлган сардобалар ҳақида тушунчаларини кенгайтиришди ва ота-боболаримиз чучук сувни қандай сақлаганликлари, ундан қандай фойдаланганликлари ҳақида билиб олишди.

Оллоҳ берган тўрт унсурнинг бири сувдир. Сувни қадрламоқ учун мана шундай танловларда қатнашишимиз шарт эмас. Фақат озроқ масъулиятли бўлсак етарли.

***Раъно РАББИМОВА***

## ИЛК БОР ВА ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН

### Tadbir

Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтида роппа-роса бир ой давом этган “Экология ва саломатлик” кунларида эзгуният кўзда тутилди. Яъни қандай?

Ҳозир инсониятни ташвишга солаётган глобал муаммолар бор ва улар бир-бирига шу қадар боғлиққи, биттасининг ечими иккинчисининг бартараф этилишини талаб қилади. Хусусан, гиёҳвандлик, ОИТС касаллиги ва атроф-муҳитнинг мусаффолиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

— “Экология ва саломатлик” ойлигининг ташаббускори бўлган “Ўзбекистон темир йўллари“ ДАКнинг соғлиқни сақлаш хизмати, Қизил ярим ой жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда институт ректорати худди ана шу муаммолар ва уларнинг салбий оқибатлари хусусида талабаларни бохабар этди. Бу тегишли мутахассислар суҳбати ҳамда видеатасвирлар орқали етказилди.

Шунингдек, ойлик тадбирларида иштирок этган муассасалар ўз кўргазмали воситаларини ҳам тақдим этишди, — дейди бу ҳақда институтнинг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Дилшод Раҳматов.

Қизил Ярим ой жамияти талабалардан 150 нафарини биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш сабоқлари билан таништириб, уларга сертификат топширди.

***МУХБИРИМИЗ.***

## БЕЗОРИ ТАЛАБАЛАР

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 2- ва 3-босқич талабалари —Қарши туманида яшовчи В. Ҳаққулов ва Г.Дилмоновлар нимага талашишган ҳозирча номаълум, аммо уларнинг бири ҳозир касалхонада.*

*Уларнинг ярим кечаси ўзаро жанжал туфайли бирининг иккинчисига ўткир тиғли жисм билан жароҳат етказгани туфайли, ҳозирда тергов ишлари олиб борилмоқда. Бундан институт раҳбарияти ва ўқитувчилари ҳам безовта бўлишиб, бошқа талабаларнинг ўзаро жанжаллашмаслиги учун тегишли чора кўришаётган бўлса, ажаб эмас.*

*Хуллас, талабалик фақат яхши ўқишни эмас, балки яхши юришни ҳам талаб қилади. Модомики, ножўя ишга қўл урилар экан, ўқишни барвақт “тамомлаб” қўйиш мумкин.*

## ТАЛОНЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

*Қарши туманидаги 4-кичик туманда яшовчи 1971 йил туғилган У.Эргашев ва Орзу кўчасида яшовчи 1980 йилда туғилган Д.Эргашевлар 3-кичик туман ҳудудида талончлик қилишгани учун қора курсига ўтирадиган бўлишди.*

*— Улар кечаси бизни ҳеч ким кўрмайди, қабилида иш тутиб 1976 йил туғилган В.Перфилёвнинг қўл соати, чарм курткаси ва ҳатто туфлисини ҳам ечиб олиб жуфтакни ростламоқчи бўлишганида профилактика инспекторлари ва маҳалла посбонлари томонидан қўлга олинди, — дейди вилоят профилактика инспекторларининг раҳбари Муҳсин Дўстов.*

## МАШИНАНИ ҲАЙДАБ ҚОЧГАН ҚИЗ

*Машина ҳайдашга қизиқиш асосан ўғил болаларда кучли бўлади. Бироқ баъзан қизлар ҳам машина рулига ўтиришни жуда хоҳлашар экан.*

*Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида яшовчи М.Маматраимов Ш.Рашидов кўчасида қолдириб кетган автомашинасини йўқотиб роса тўрт кун ухламади.*

### Ma’rifatsiz kishilar

*Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли машина Янгийўл шаҳридаги Н.Ниёзов кўчасидан техник соз ҳолда топилди. Сўнгра уни олиб қочган киши қидирилди.*

*Ажабланарлиси, ушбу машинани Наргиза А.исмли қиз ҳайдаб қочган экан. Ҳозирда Наргизахон уни нима учун ҳайдаб қочгани ҳақида тушунтиришлар бераётир.*

***И.АБДУРАИМОВ,***
***милиция катта лейтенанти***

## ЭРИДАН ҚУТУЛАМАН ДЕБ

*Светлана озми-кўпми никоҳсиз бўлса-да, Вячеслав билан бирга яшади. Аммо орага шайтон тушгач, меҳр пардалари улар қалбини тарк этди шекилли, бу хоним, ўзини жоним деб юрадиган эрининг жонига жабр қилди. Бироқ, эрдан қутулишнинг антиқа йўлини топганидан севиниб кетган Светлана Л.нинг қувончи узоққа чўзилмади.*

*Самарқанд шаҳар Боғишамол тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Светлананинг қабиҳ қилмиши фош этилиб, нияти амалга ошмай қолди.*

*Яъни, бу аёл никоҳсиз бирга яшовчи эри Вячеслав С.ни ўлдириш мақсадида таниши М.К.га 25 минг сўмни бераётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.*

## ЭСИЗ, ЎҚУВЧИЛАР

*Наманган вилоятининг Давлатобод туманида яшаган тадбиркор, 1975 йил туғилган С.Хегайнинг бош ва қорин қисмларига оғир тан жароҳати етказилган ҳолда жасади топилган эди.*

*Туман ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли қотиллар қўлга олинди. Аммо улар кимлар дейсизми?*

*Афсуски, қотилликда гумонланиб ички ишлар бўлимида сўроқ қилинаётган йигитчалар ушбу шаҳардаги касб-ҳунар коллежи ўқувчилари — 1986 йилда туғилган С.Маҳкамов, 1985 йилда туғилган Д.Шарипов ва 1984 йилда туғилган Ғ.Отавалиевлар бўлиб, улар марҳумни ўзаро жанжал оқибатида ўлдириб қўйишганини баён этишмоқда.*

*Эҳ, Сиз ўқувчилар! Эсиз, ўқувчилар.*

***Шуҳрат РЎЗИЕВ,***
***Республика ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, милиция майори***

## МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛИШИ УЧУН

### у аввало осойишта бўлмоғи керак

**Маҳалла ҳар қанча кўркам ва чиройли бўлмасин, у ерда тинчлик ва осойишталик бўлмаса у обод бўлолмайди, уни файзли маҳалла, дея олмаймиз. Шундай экан, “Обод маҳалла йили”да маҳаллаларимиз тинчлигини таъминлаш, уларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, биз Республика Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Кўчқор Ҳакимовга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.**

**— Кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан ички ишлар идораларининг профилактика хизматига, профилактика инспекторлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг сабаблари нимада?**

— Бунинг бош сабабига жавоб Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “Маҳаллада бирор ҳодиса рўй берса одамлар қаёққа боради. Кимга мурожаат қилади, албатта, профилактика инспекторига. Шу боис, биз уларга, энг аввало, телефони бор, барча шарт-шароитларга эга бўлган хизмат хонасини ярагиб беришимиз керак”-деган сўзларида аниқ ифода этилган.

Бугунги барпо этилаётган милиция таянч пунктларини фақат ички ишлар ходимларининг ёки профилактика инспекторининг хизмат мажмуаси деб қараш нотўғри бўлади. Чунки уларда маҳалла оқсоқоли, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси, маҳалла посбонлари, педагог-тарбиячилар ва яраштириш комиссиялари ҳам фаолият кўрсатишмоқда.

Хавфсизликни таъминлаш борасида профилактика инспекторларининг маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари халқимизда уларга нисбатан ишончни кучайтирмоқда. Улар профилактика инспекторларига келиб нотаниш кишилар, бегона машиналар, гумонсиралган нарсалар хусусида хабарлар беришмоқда. Буларнинг натижасида оғир турдаги бир қатор жиноятларнинг камайишига эришилди.

**— Яқинда бир маҳаллада бўлдик. Мазкур маҳалланинг Милиция таянч пункти ёнида қандайдир цехлар барпо этилаётган экан.**

— Милиция таянч пункти ёнида кичик бизнес тармоқларини барпо этишдан мақсад маҳалладаги ёшларни жамият учун фойдали бўлган машғулотларга жалб этиш бўйича милиция таянч пунктлари атрофида кичик бизнес корхоналари, бичиш-тикиш цехлари, дурадгорлик ва миллий ҳунармандчилик устахоналари, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари — косибчилик, сартарошхона,радиотелеаппаратура устахоналарини бунёд этиб ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва булар орқали вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишдан ва ҳар хил ёмон йўлларга кириб кетишининг олдини олишдан иборат.

Булар Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 майдаги “Ижтимоий кўникма марказлари ва милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида аниқ белгилаб берилган.

Мазкур Қарорда милиция таянч пунктлари инфратузилмаларини янада такомиллаштириш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт тадбирларини, кичик бизнес корхоналарини ташкиллаштириш орқали уларнинг бўш вақтлари самарали ўтишини таъминлаш, шунингдек, маҳалла аҳлини бир-бирлари билан жипслаштириш яъни, маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларимиз сифати ва суратини ошириш бош мақсад қилиб қўйилган.

**— Дарвоқе ушбу Қарор билан Педагог-тарбиячилар штати ҳам киритилганди...**

— Педагог-тарбиячилар ёшлар ва вояга етмаганлар билан тарбиявий-ташкилий ишлар олиб боради. Яъни соддароқ айтадиган бўлсак, бола мактабда ўқитувчилар назоратида, уйда ота-она кўз ўнгида бўлади. Аммо дарсдан сўнг улар бекор юрмаслиги, ёмонларга ёндошмаслиги учун маҳалладаги болалар бандлигини таъминлаш мақсадида педагог-тарбиячилар мактаблар ва бошқа ўқув даргоҳлари маъмуриятлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда ёшларнинг фикрини ва уларнинг қизиқишларини ўрганиб,спорт, илмий-техник, бадиий ва бошқа тўгаракларга жалб этади. Ота-оналар билан доимий равишда яқин алоқада бўлиб, болалар тарбияси бўйича ёрдам кўрсатади.

Профилактика инспекторлари эса тинчлик-осойишталикни, аҳоли хавфсизлигини таъминлашдан тортиб, маҳалладаги бошқа масалалар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшларнинг соғлом, бақувват бўлишларини таъминловчи спорт маш-ғулотларини ўтказишда тегишли соҳа мутасаддиларини жамлаш,маҳалладаги ишларни мувофиқлаштиришда яқиндан ёрдамлашади.

**— Ҳар қайси маҳаллада маҳалла посбонлари бор. Уларнинг профилактика инспекторларига ёрдами қандай?**

— Тўғри, профилактика инспекторларимизнинг ёнида маҳалланинг юрагида ўти бор, билагида кучи бор, ақлли-ҳушли йигитлари — маҳалла посбонлари хизмат олиб боришмоқда.

Улар нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда балки жиноятларни очишда, жиноятчиларни ушлашда ҳам уларга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Биз маҳалла посбонларини ўзимизнинг катта ёрдамчиларимиз деб биламиз.

**— Галдаги вазифалар нималардан иборат, деб ҳисоблайсиз?**

— Олдимизда вазифалар кўп. Ходимларимизни янги замон руҳида тарбиялаш, уларни давр талаб қилаётган вазифаларни уддалашга ўргатиш, энг муҳими, халқ билан гаплашганида уларнинг дилини оғритувчи, қўрс, қўпол ходим сифатида эмас, балки, дардига дармон бўладиган, уларни кўрганда халқимизнинг ўзи мурожаат қиладиган даражага етказишдан иборат.

Бу борада илк қадамни қўйдик, десам бўлади. Оддий мисол, илгари участковойни кўрган бола узоқдан ҳадик билан қараб турган бўлса, бугунги фарзандларимиз милиция таянч пунктлари ёнида барпо этилган спорт майдончаларида ўйнашмоқда. Ахир, тоталитар тузум милицияни халқнинг кўзига ёмон кўрсатиб қўйганди. Шу боис, бу асоратдан батамом қутулишимиз керак.

***Суҳбатдош: Ш.РЎЗИЕВ***

*Respublika gvardiyasining maxsus bo'linmasi askaridan olgan ma'lumotiga tayanib gapirgan Amr Naffax Husayn bilan birga Iroq hukumatining 15 ga yaqin rahbarlari ham halok bo'lganligini ishonch bilan ma'lum qilgan.*

*So'ngra mahallaning obodonchiligi, bahorgi ko'chat ekish mavsumidagi hayrli ishlari ko'zdan kechirildi. Mahalla tarixi, el-yurt uchun xizmat qilgan, qilayotgan kishilari haqida so'rovlar o'tkazildi.*

## КОФИ АННАННИНГ ХАВОТИРИ

**БМТ бош котиби Кофи Аннан АҚШ томонидан Сурия номига билдирилаётган айбловларнинг ортиб боришидан хавотирда эканлигини билдирди. Унинг фикрича, бундай айбловлар Яқин Шарқдаги вазиятга путур етказиши мумкин. Шунинг учун халқаро хавфсизлик ва тинчликка дахлдор ҳар қандай масала БМТ доирасида, хусусан, бундай муаммоларни ечиш ҳуқуқига эга бўлган Хавфсизлик Кенгашида кўриб чиқилиши лозим.**



**Сўнгги бир неча кундан буён расмий Дамашқ Вашингтон томонидан Саддам Ҳусайн ҳукумати аъзоларининг бошпана топишларига ёрдам беришда ва кимёвий қуроллар ишлаб чиқаришда айбланиб келинмоқда. Хусусан, президент Жорж Буш Вашингтондаги матбуот анжуманида Сурия Ироқнинг собиқ ҳукумат аъзоларини ўз ҳудудига киритмаслиги керак, дея айтган эди. Ўз навбатида Сурия бу айбловларни рад этмоқда.**

## АБУ ДАБИ: ҲАМЖАМИЯТ ЁРДАМ БЕРИШИ КЕРАК

**Бирлашган Араб Амирликлари президенти шайх Зоид Аль Нахаян араб давлатлари ва халқаро ҳамжамиятни Ироқнинг бугунги қийин вазиятдан чиқиб олишига ва ўз тақдирини ўзи белгилашига ёрдам беришга чақирди. Унинг айтишича, БАА аввалданоқ урушга қарши чиққан ва Ироқ ҳукуматига ҳокимиятни топшириб, мамлакатдан чиқиб кетиш ҳақида маслаҳат берган. Бироқ, улар бу маслаҳатни эътиборга олмади ва натижада бегуноҳ қурбонлар берилди. Бугун ташқи аралашувсиз ироқликлар суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва табиий ресурсларни ўз назоратига олишлари керак, дея айтаркан президент Заёд яқин кунларда Ироқ халқига Абу Даби инсонпарварлик ёрдами кўрсатишини маълум қилган.**



**Саддам Ҳусайннинг она шаҳри Тикрит эгалланганидан сўнг, ҳарбий операцияларнинг иккинчи босқичи, яъни муваққат ҳукумат тузишга киришилган. Кеча Носирия яқинидаги Таллил ҳарбий базасида америкаликлар Ироқ мухолифатчилари вакиллари билан музокара ўтказганлар.**

## ИРОҚЛИК БОЛАЛАР МАКТАБГА БОРИШМОҚДА

**Ушбу ҳафта аввалидан Ироқ шимолидаги ҳудудларда яшовчи ўқувчилар мактабга қатнай бошлаганлар. Ҳарбий амалиётлар бошлангандан буён мактаблар ёпилиб қолган эди, дея хабар беради «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги. ЮНИСЕФ ташкилотининг маълум қилишича, шимолий минтақада 4 мингга яқин болалар бошланғич мактаб, бир неча юзлаб болалар эса ўрта мактаб ўқувчилари саналади. ЮНИСЕФ вакили Майкл Бочиркивнинг айтишича, мактабларда ўқув жараёнларининг қайта тикланганиги ҳаётнинг яна изга туша бошлаганидан далолат беради.**



**Мамлакат пойтахти Бағдодда эса 2 минг нафардан ортиқроқ маҳаллий полициячилар яна иш билан таъминланганлар. Ҳозир уларга америкалик ҳарбийлар кўмак бераётган бўлиб, полициянинг биринчи галдаги вазифаси шаҳарда юзага келган ўғирлик, талон-тарожликларга чек қўйишдир. Чунки, биргина миллий музейнинг ўзидан 2 мингга яқин экспонатлар ўғирлаб кетилган.**

## ФОЖЕАГА АЙЛАНГАН САЁҲАТ

**Греция шимолидаги Афина — Салоники катта йўлида ҳаракатланган автобуснинг жарликка қулаши боис, 24 нафар мактаб ўқувчиси ҳалок бўлди ва 28 киши жароҳатланди. Фожеа юз берган вақтда автобус ичида 49 нафар ўқувчи, 2 нафар ўқитувчи ва автобус ҳайдовчиси бўлган. Ўқувчиларни саёҳатдан олиб қайтаётган автобус тоғ йўлида келаётиб юк машинасидан ўзиб кетишга ҳаракат қилади ва натижада жарликка ағдарилади. Ҳалок бўлган болалар 14-16 ёш атрофида бўлиб, уларнинг жасадлари ота-оналарига қайтарилган. Ушбу автоҳалокат Грецияда сўнгги 30 йил ичида кузатилган энг катта йўл-транспорт ҳодисаси, дея айтилмоқда.**



## НОМАЪЛУМ КАСАЛНИНГ ЖИДДИЙ ХУРУЖИ

**Сўнгги бир ярим ой ичида номаълум касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмган кишилар сони Хитойнинг ўзида 37 нафарга етди. 2002 йилнинг ноябрь ойидан буён эса ҳалок бўлганлар 64 кишини, зарарланиб шифохонага ётқизилганлар эса 1435 кишини ташкил этади. Ўтган душанба кунининг ўзида Хитойда касалликка чалинган 15 та ҳолат кузатилган. Бугун мамлакат пойтахти Пекин шаҳридаги жамоат жойларида ва транспортларда кенг миқёсли дизенфекциялаш ишлари олиб борилмоқда. Янги касалликдан хавотирга тушган Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўз лабораторияларининг 11 тасида хасталикни ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Ҳозирга қадар эса дунё бўйича мазкур касаллик оқибатида 154 киши ҳаётдан кўз юмди ва 3169 киши зарарланди.**



## «CONCORD»ГА ҲОМИЙ ТОПИЛДИ

**Ўтган ҳафта «British Airways» ва «Air France» компаниялари товушдан тез учувчи «Concord» самолётларининг парвози ноябрь ойидан бошлаб тўхтатилишини, бунга унда учувчи йўловчилар камчиликни ташкил этаётганлиги сабаб бўлганлигини билдирган эдилар. Бироқ, британиялик миллиардер «Virgin Atlantic Airways» авиакомпанияси хўжайини Ричард Брэнсон ўз оила-аъзолари билан «Concord» парвозини тўхтатмаслик учун маблағ сарфлаш масаласини кўриб чиқишни билдирди. Бу ҳақда ўз режасини билдирганидан сўнг, унинг компаниясига парвозни тўхтатмаслик лозимлигини сўраб, кўплаб қўнғироқлар бўлган. 1960 йилларда лойиҳаси ишлаб чиқилган бу тезучар самолёт камида 2007 йилгача нуқсонсиз хизмат кўрсатиши керак.**



*«Интернет» тармоғидан олинди.*

### *Taxmin*

# САДДАМ ҲУСАЙН ТИРИКМИ?

*Бугун террор дея аталган бало инсониятга жиддий хавф солаётган экан, халқимиз унинг заҳридан озор чеккан пайтда у ҳақда фикр билдирган Юртбошимиз террорчиларни чаёнга қиёслаган эдилар. Илло, чаённинг қиладиган бирдан бир иши ҳам жонзотларни чақиш, ўлдиришдир. Бундай хавфдан халос бўлишнинг ягона йўли эса чаённи янчиб ташлаш. Шу маънода, 24 йил мобайнида ўз халқига зуғум ўтказган Ироқдаги Саддам Ҳусайн тузумига иттифоқчилар томонидан зарба берилиб, унинг тор-мор этилиши оддий ироқликлар томонидан катта қувонч, шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Аммо, тузум ағдарилган билан, унинг тепасида турганларнинг тақдири ҳозирча номаълум қолмоқда. Агар ҳужумлар вақтида улар йўқ қилинмаган бўлса, эрта бир кун яна ўз қора қилмишларини давом эттиришлари мумкин. Шунинг учун кеча собиқ президентнинг она шаҳри Тикритни ҳам ўз назоратига олган АҚШ бошчилигидаги иттифоқчилар Саддам Ҳусайн тақдирига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бугун улар олдида "Саддам тирикми ёки ўлган?" деган савол кўндаланг турибди.*

*Араб «CNN»и номини олган Қатарнинг «Ал-Жазира» телеканалига интервью бераркан, ироқлик таниқли журналист Амр Наффах Саддам Ҳусайн 7 апрелдан 8 апрелга ўтар кечаси Бағдоднинг Ал-Мансур мавзесининг ҳаво ҳужумларига учраши вақтида ҳалок бўлганлигини айтган. Республика гвардиясининг махсус бўлинмаси аскаридан олган маълумотига таяниб гапирган Амр Наффах Ҳусайн билан бирга Ироқ ҳукуматининг 15 га яқин раҳбарлари ҳам ҳалок бўлганлигини ишонч билан маълум қилган. Ҳақиқатан ҳам айнан шу тунда Ал-Мансур мавзеси В-1 бомбардимончи самолётларнинг зарбасига учраган ва бу ҳудудга ер ости бункерларини ҳам яксон қилишга мўлжалланган тўртта 900 килограммли «JDAM» бомбаси ташланган эди. Бунинг натижасида эса «Ас-Саа» ресторани ҳамда унга яқин жойлашган учта бинонинг кули кўкка совурилганди. Маълум бўлишича, Ироқ раҳбарияти ресторан ёнидаги бинога кенгаш ўтказиш учун кириб кетганларидан сўнг, 40 дақиқалар ўтиб, бинога бомба келиб тушган. Ироқ ҳукуматининг бундай жамоавий бомба остида ҳалок бўлганлиги ҳақида Иорданиянинг «Ad-Dustour» ва Лондонда чоп этиладиган «Al-Quds al-Arabi» газеталари ҳам хабар тарқатганлар.*

*Аммо, айни дамда Ал-Мансур мавзесидаги вайроналар остидан Ҳусайннинг қолдиғини излаётган америкаликлар унинг жасади топилгач, идентификация тасдиғидан ўтсагина ишониш мумкинлигини, шунингдек, унинг ўлими ҳақида айтилаётган бу хабарлар Саддамни қидириб топиш ишларини тўхтатиш мақсадида ҳам тарқатилаётган бўлиши мумкинлигини айтмоқдалар. Шунингдек, Америка разведкаси Ироқ раҳбарларининг Саддам Ҳусайн ўлими ҳақида гаплашганликларини радио тўлқин орқали ушлашга ҳам муваффақ бўлганлар. Бироқ, бу якуний хулоса чиқаришга етарли асос эмас.*



*Саддам Ҳусайннинг кичик ўғли Кусайнинг ҳам ўлганлиги ҳақида хабарлар тарқалган бўлиб, 8 апрель куни у кетаётган «Toyota» автомобили Сурияга ўтиш йўлида Америка самолётининг ҳужумига йўлиққан. Кусай билан бирга тоғаси Лувей Тульфах ҳам ҳалок бўлган. Баас партиясини назорат қилган Кусайга уруш бошланишидан аввалроқ Республика гвардиясига қўмондонлик қилиш вазифаси берилган эди.*

*Шу ўринда бошқа бир жиҳат. Республика гвардиясининг иттифоқчиларга таслим бўлган генерали Али ал-Жажавининг айтишича, америкаликлар Бағдодга кириб келишларидан аввалроқ Ироқ ҳарбий қўмондонларининг кўпчилиги Сурия давлатига ўтиб кетганлар. Лекин, Сурия ҳукумати бу борада АҚШ президенти Жорж Бушнинг Дамашқ Ироқ ҳукумати аъзоларининг чегарадан ўтиб, Суриядан паноҳ топишларига йўл қўймаслиги керак, дея айтган гумонли фикрларини кескин рад этган. Расмий Дамашқнинг билдиришича, можаро бошланган кунданоқ Сурия-Ироқ чегараси иттифоқчилар назоратида бўлган ва Ироқ раҳбариятининг чегарадан ўтишларига йўл қўйилгани йўқ.*

# МАКТАБ МАҲАЛЛАЛАРНИ БЕЛЛАШТИРДИ

**Юртбошимиз томонидан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган жорий йилда Хива туманидаги 1-ўрта мактаб жамоаси ташкил қилган қизиқарли тадбир ҳамманинг ёдида қоларли бўлди. Бугун ушбу мактабда «Оқёп» қишлоғининг «Тозабоғ» ва «Шихлар» маҳаллаларининг фарзандлари таълим олишмоқда.**

**Кўрик-тадбирда аввало ҳар икки маҳалла футбол жамоалари куч синашдилар. Сўнгра маҳалланинг ободончилиги, баҳорги кўчат экиш мавсумидаги ҳайрли ишлари кўздан кечирилди. Маҳалла тарихи, эл-юрт учун хизмат қилган, қилаётган кишилари ҳақида сўровлар ўтказилди. Айни пайтда маҳаллаларда тўй-маъракаларни камчиқим қилиб ўтказиш борасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари, янгича урф-одатларнинг турмушга тадбиқ қилиниши ҳам холисона баҳоланди.**

***2003 yil — Obod mahalla yili***

**Шунингдек, тадбирда иштирок этган «Ферузхон» нодавлат, нотижорат ташкилоти эндиликда ўқишга тўлиқ қатнашаётган ҳар бир маҳалладан икки нафар ўқувчига мунтазам стипендия бериб боражагини эълон қилди. Мактабнинг илмий бўлим мудираси Сорабиби Раҳмонова ҳам ўз шахсий жамғармасидан ҳар ойда бир ўқувчига ўқишдаги аъло ўзлаштиришларига қараб стипендия бериб борадиган бўлди.**

**«Мактабимиз атрофидаги маҳаллалар ўртасида шу тахлит кўрик-танловларни мунтазам ўтказиб бориш ниятидамиз — дейди мактаб директори Гулираъно Маткаримова. — Бу ҳам маҳалла аҳли учун, ҳам мактабимиз жамоаси учун фойдалидир. Негаки «Обод маҳалла йили»да маҳаллаларимиз ободончилигини юқори поғонага кўтариш бу фақат маҳалла фаоллари вазифаси эмас, кўпсонли ўқувчиларни бирлаштирган мактабимизнинг ҳам бурчидир».**

***МУХБИРИМИЗ***

# ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ СПАРТАКИАДАСИ

*Ўтган ҳафта Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида илк бор ташкил этилган республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимларининг I республика спартакиадаси ўз якунига етди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежида ўтказилган якуний мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган 200 нафарга яқин ўрта махсус ўқув юртлари педагог-ўқитувчилари иштирок этдилар.*

*Спартакиаданинг тантанали очилиш маросимида нутқ сўзлаган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Маматов мазкур спорт тадбири икки йилда бир маротаба ўтказилишини айтиб, ундан кўзланган ягона мақсад - педагог-мураббийларни доимий спорт ва жисмоний тарбияга жалб қилиш, ҳамда миллий ва оммавий спорт турларини ривожлантиришдир, деди.*



*Спортнинг баскетбол, стол тенниси, армспорт, арқон тортиш, шахмат-шашка турлари бўйича ўтказилган спартакиаданинг якунларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳри, иккинчи ўринни Андижон вилояти, учинчи ўринни эса Қашқадарё вилояти вакиллари қўлга киритдилар. Ғолибларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг кўчма кубоги, фахрий ёрлиғи топширилди ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, бошқа қатнашчиларга ҳам эсдалик совғалари тақдим қилинди.*

***Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ***

# ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг кўҳна Хоразмда бўладиган Республика финал босқичига ҳам оз муддат қолди. Айни дамда эса вилоятлар терма жамоалари ушбу муросасиз ва қизғин баҳслар остида ўтадиган финал босқичига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Мақсад вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилиш. Ўтган баҳорги таътилда ташкил этилган вилоят босқичида ғолиб жамоалар аниқланиши билан бир қаторда, мураббийлар Хоразмга борадиган муносиб вакилларни саралаб олган эдилар. Ана шу энг абжир, энг чаққон спортчи ўқувчилар финал ўйинларининг шиддатли кечишига сабабчи бўладилар.

Қуйида эса вилоят босқичида умумжамоа ҳисобида ғолиб чиққан шаҳар ва туманлар рўйхати берилмоқда.



**Қорақалпоғистон Республикаси**
I ўрин Нукус шаҳри
II ўрин Хўжайли тумани
III ўрин Чимбой тумани

**Андижон вилояти**
I ўрин Андижон шаҳри
II ўрин Қўрғонтепа тумани
III ўрин Шаҳрихон тумани

**Бухоро вилояти**
I ўрин Бухоро шаҳри
II ўрин Ғиждувон тумани
III ўрин Шофиркон тумани

**Жиззах вилояти**
I ўрин Жиззах шаҳри
II ўрин Дўстлик тумани
III ўрин Жиззах тумани

**Навоий вилояти**
I ўрин Қизилтепа тумани
II ўрин Навбаҳор тумани
III ўрин Навоий шаҳри

**Наманган вилояти**
I ўрин Наманган шаҳри
II ўрин Тўрақўрғон тумани
III ўрин Косонсой тумани

**Самарқанд вилояти**
I ўрин Темир йўл тумани
II ўрин Боғишамол тумани
III ўрин Пастдарғом тумани

**Хоразм вилояти**
I ўрин Урганч шаҳри
II ўрин Шовот тумани
III ўрин Янгиариқ тумани

**Тошкент шаҳри**
I ўрин Юнусобод тумани
II ўрин М.Улуғбек тумани
III ўрин Мирободтумани

**Сирдарё вилояти**
I ўрин Сирдарё тумани
II ўрин Гулистон шаҳри
III ўрин Сайхунобод тумани

**Қашқадарё вилояти**
I ўрин Қарши шаҳри
IIўрин Китоб тумани
III ўрин Ғузор тумани

**Сурхондарё вилояти**
I ўрин Денов тумани
II ўрин Жарқўрғон тумани
III ўрин Термиз шаҳри

**Фарғона вилояти**
I ўрин Фарғона шаҳри
II ўрин Боғдод тумани
III ўрин Учкўприк тумани

**Тошкент вилояти**
I ўрин Чирчиқ шаҳри
II ўрин Ангрен шаҳри
III ўрин Қибрай тумани

***Санжар ТУРСУНХЎЖАЕВ***

# МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ

Халқ ўйинлари миллий қадриятларимиз ва маънавий-маърифий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу жиҳатдан, уларни аҳолининг кундалик турмушига сингдириш орқали ўқувчи ёшларни жисмоний тарбиялаш ва спортчиларимизнинг маҳоратларини ошириш, халқаро спорт майдонларида ғалабаларини таъминлаш масалаларига республикамизда жиддий эътибор берилмоқда.

Мустақиллик, Наврўз, Ҳосил байрамларида замонавий спорт турлари билан бирга, кураш, кўпкари, пойга ва турли-туман халқ ўйинларининг қўлланиши ўқувчи ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбия воситаларидан унумли ва мақсадли фойдаланиш учун барча ўқув муассасаларининг «Жисмоний тарбия» предмети дастурлари қайта ишлаб чиқилмоқда.

Мустақиллик даврида янги таҳрирда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» (2000, май), «Таълим тўғрисида»ги қонунлар (1997, август) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1999, 27 май) қарори асосида ўтказилаётган муҳим тадбирлар орқали ҳам миллий ўйинларимизнинг аҳамиятини тарғибот қилиш ва амалда қўллашга эришилмоқда.Бунда, айниқса, умумхалқ байрамлари, халқаро спорт турнирлари, санъат-спорт фестиваллари, ўзбек кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатлари (1999 — Тошкент, 2000 й — Анталия.), олимпиадалар (1995-1997 й, Фориш), «Алпомиш ўйинлари фестиваллари» (1998 й — Термиз, 2000 й — Фарғона) , Аёллар йилига бағишлаб ўтказилган Тўмарис фестивали (Жиззах — 1999 й, Шаҳрисабз — 2000 й), Талабаларнинг Республика «Универсиада» мусобақалари (Наманган — 2000, Бухоро — 2002) ва бошқалар миллий ўйинларимизнинг аҳамиятини оширишда ҳамда шу орқали ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Бугун Ўзбекистонда 10 млн. атрофида ўқувчи-ёшлар борлиги, меҳнатга яроқли ва турли жабҳаларда фаолият кўрсатаётган аҳолининг ўртасида ҳам ёшлар кўпчилик эканлиги эътиборга олинса, ёшларимизнинг мактабданоқ самарали ва тизимли жисмоний тарбия билан шуғулланишларини ташкил қилиш муҳимдир. Шундай экан, халқ миллий ўйинларини таълим жараёнига жорий қилиш вазифаси педагогларнинг бу соҳадаги билимларини ошириш ва методик ишларни тўғри йўлга қўйишга ҳам боғлиқ. Бунда, таълим ва тарбия жараёни билан шуғулланадиган турли муассасаларнинг иш фаолиятини такомиллаштиришни илмий-амалий тажриба ёрдамида ишлаб чиқиш асосий ўринни эгаллайди.

***С.АЛЛАМУРАТОВА,***
***ЎзДЖТУ магистранти***

## ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети қошидаги хўжалик ҳисобидаги "Илмий-услубий марказ" қуйидаги йўналишлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга кирувчилар учун тайёрлов курси

Журналистика факультети, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши бўйича лицей ва коллежларга киришни хоҳловчи абитуриентлар учун махсус дастурлар тавсия этилади.

Ёш журналист ва ёзувчилар учун адабий ижод мактаби.

***Телефотожурналистика ва бадиий фотография.***
***Компьютер саводхонлиги.***
***Инглиз, немис ва француз тилларини ўрганиш курси.***
***Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.***
***Ўқув курслари тугаганидан сўнг, ўқувчиларга гувоҳнома (сертификат) берилади.***
***Тел: 56-53-48 (кундузи) 77-02-88 (кечқурун)***

***Манзил: Бобур кўчаси. 9-уй. ЎзМУ Журналистика факультети, 3-қават, 61-хона.***
***Транспортлар: автобуслар: 11,32,76. Троллейбуслар: 6,14. "Пойафзал фабрикаси" бекати.***



**Ҳурматли Шавкат Ҳошимов!**

*45 йиллик педагогик фаолиятингиз давомида ўқитувчи, мактаб директори ва малака ошириш соҳасида етук мутахассис сифатида танилгансиз. Сизни таваллуд топган кунингиз билан қутлаймиз!*

**Тошкент вилояти ПХҚТМОИ жамоаси ва ҳамкасбларингиз.**

**Ҳурматли Сароят опа Каримова!**

*Сизнинг бизларга берган сабоқларингиздан миннатдор эканимизни изҳор этиб, туғилган кунингиз муносабати билан табригимизни қабул қилсангиз.*

**Бир гуруҳ собиқ ўқувчиларингиз.**



*Тошкент шаҳридаги 21-сон касб-ҳунар мактабининг 1986 йил 19 июнда берилган ОКПО 04949913 (рег. № 102) рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли* **бекор қилинади.**

Мирзо Улуғбек туманидаги 248-мактаб жамоаси мактабнинг информатика ўқитувчиси **Муҳаббат ЭГАМБЕРДИЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти жамоаси институт илмий котиби Муяссар Дивановага онаси **РЎЗВОНЖОН ая**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

*Bilsang, muallimlik — qismat. U darsda yulduzday porillab turmog'i, bolalar qalbiga bilim va muhabbat yog'dusini sochmog'i lozim. O'sha yulduz xira tortsa — qiyomat qoyim, dahshat! Bolalarning sho'ri quriydi.*

*Bu olamda hamma mehmon, ko'plar kelib ketgan. Men ham ketaman, sen ham o'tasan. Dunyo qolur, mehr qolur, muhabbat qolur. Shu mehr, muhabbatni ulug'lab, bir-birimizga dildan gul taqdim etaylik.*



# КЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

## *Ko'ngil bitiklari*

***

**Соя ташлар ҳилол нурида**
**Сув соқчиси мағрур чўққилар.**
**Кечиб тунги уйқу бахридан**
**Дод солади нодон уккилар.**
**Кўкда миллион шамлар милтираб**
**Инжулатар денгиз сувини.**
**Қирғоқда бир кимса тентираб,**
**Ахтаради қумдан изини.**
**Буюкликдан буюк бир имкон**
**Ва покликдан ўта бокира —**
**Тунда ёлғиз кезган бу инсон,**
**Кимдир ташлаб кетган хотира.**

***Эшқобил ВАЛИ***

## *СОҒИНТИРИБ КЕЛАДИ БАҲОР...*

**Ер ва само сирлашар бу кун,**
**Интиқ борлиқ гуллашар бу кун.**
**Нозик диллар бирлашар бу кун,**
**Куздан бери кўнглимда алёр —**
**Соғинтириб келади баҳор.**

**Санамларнинг нози ўзгача,**
**Саболарнинг рози ўзгача.**
**Ошиқларнинг сози ўзгача,**
**Ў, англасанг ҳаёт мавжи бор —**
**Соғинтириб келади баҳор.**

**Алвон рангда ястанар боғ-қир,**
**Тоғлар билан бўйлашар адир.**
**Уруғ сочар юз ёш чол-кампир,**
**Бизга ойдин тилаклари бор —**
**Соғинтириб келади баҳор.**

**Таърифингни ҳеч тополмадим,**
**Ҳисларимни беркитолмадим.**
**Бир умр кутсам-да толмадим,**
**Юрагимда армонли дил бор —**
**Соғинтириб келади баҳор.**

**Навоийга ҳамоҳанг дилим,**
**Қадр кечаси бўлсин ҳар тунинг.**
**Наврўз бўлсин ҳар кунинг элим,**
**Менга сендан буюк нима бор —**
**Соғинтириб келавер, БАҲОР!!!**

***Абдуғаффор ШОДМОНҚУЛОВ.***
***Зомин тумани***

## СИНФДОШИМГА

*Tuyg'u*

*Одам ҳаётида ҳаяжон билан ҳис-туйғуга тўлиб, тўлқинланиб гапирадиган, ёзадиган дамлар бўлади. Бугун шундай дамдир.*

*Эй, менинг азиз синфдошларим, кундуз қош, қаро кўзларим, сирдош, фикрдош, асрдошларим! Кўз-кўзимизга тушадиган бу кунни 50 йил кутдим. 50 йил, ярим аср — бу айтишга осон. Ахир, бу турфа оламда бир кун ичида туғилиб, ўсиб, яшаб, умр кўриб ўтгувчилар бор. Бизларнинг эса қадрдон мактабни битирганимизга 50 йил бўлибди. Одам учун кўз юмиб очгунча ўтган дам, бир нафас олгулик муддат на қадар қиммат. Бундай дам, онни ўлчамоқ учун на олтиндан тарози, на олмосдан тош бор. Вақт ана шундай нодир неъмат, унинг бир они, бир дақиқаси, бир зуми, бир фурсатмуддати одам учун қанчалик ғанимат. Одам ўзи оламнинг улуғ неъмати, вақт эса унинг умридир. Умр бу лаҳзалардан дақиқа, соатга, ундан кун, ҳафта, ой ва йилларга уланувчи вақтдир. "Умр масофаси, — деган эди таваллудига юз йил тўлаётган шоир Ғафур Ғулом, — икки қош ўртасидек қисқа, муддати эса, кўз очиб юмгунча ўтган дамга тенг".*

*Мактабни битирганимизга 50 йил бўлибди. Ярим аср бунча тез ўтиб кетибди. Шу боис ҳар бир онни, ҳар бир дақиқани, фурсатни ғанимат билиб, уларни эзгу ишларга сарфлашни ёшларга айтайлик. Вақт тез ўтади, орқага қайтмайди буни кексайганда сезар экан киши. Халқ донишмандлигида шундай сатрлар бор:*

*Дунё аро тиғиз нарса вақт,*
*Сезилмай ғиз-ғиз ўтар нарса вақт.*
*Ҳаётда азиз нарса кўп-у,*
*Ҳаммасидан азизроғи вақт.*

*Шунинг учун вақтни тежашга эътиборингни қарат, демишлар, вақт олтиндан қиммат.*

*Ғафур Ғулом бу ҳақда бундан салкам олтмиш йил илгари ёзган эди:*

*Азиз асримизнинг азиз онлари,*
*Азиз одамлардан сўрайди қадрин*
*Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар-ла*
*Безамоқ чоғидир умр дафтарин.*

*Сен билан менинг умримиз нисбатан безалган:*

*Ҳаммамиз оилали, маълумотимиз олий, илмий даража, унвонлилар ҳам бор. Бунинг учун устоз муаллимларга таъзим, барча раҳмат, шон-шарафлар уларга бўлсин.*

*Ўғил-қиз, невара, ҳатто эваралар бор, шулар бахти, камоли билан бизлар овора.*

*Азиз синфдошим, сабр-бардошинг, покиза хулқинг, ҳалол меҳнатинг, намунали ҳаётинг билан элда обрў топдинг.*

*Шукр қил! Фикр қил! Чунки, халқ шоири Эркин Воҳидов айтганидек:*

*Вақт ўтади, соат ўтади, кун ой бўлур, ой йил бўлади. Лекин сен ўтган кунингдан хурсанд бўл, бунга асосинг бор, ҳаётни қадрла, вақтни ардоқла!*

*Фурсат энг олий ҳакам, доим одил у, барча бир кун шу ҳакамнинг ҳукмига дохил. Шуни унутма!*

*Бу оламда ҳамма меҳмон, кўплар келиб кетган. Мен ҳам кетаман, сен ҳам ўтасан. Дунё қолур, меҳр қолур, муҳаббат қолур. Шу меҳр, муҳаббатни улуғлаб, бир-биримизга дилдан гул тақдим этайлик. Биласан, Мустақил юртимизда толе ҳар нарсадан мўл. Дунё тургунча шу обод ва озод Ватанда қолайлик.*

***Эҳтиром билан синфдошинг***
***Саттор ОБЛАҚУЛОВ,***
***Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 14-ўрта мактаб собиқ ўқувчиси, ЎзДЖТУ доценти, фалсафа фанлари номзоди, Олий таълим аълочиси***

## ЧОРБОҒ ЭТАГИДАГИ ҲАЙҚИРИҚ

*Novella*

Мурод Ҳожиқулов тўйга таклифнома юборибди, келин тушираётган экан.

Мурод Ҳамидулла муаллимнинг собиқ ўқувчиларидан, Тўсинсойнинг нариги бетида, Пасткиовулда яшайди. Ҳамидулла муаллим Муродга тўрт йил синф раҳбарлик қилган ва математикадан дарс берган. Мурод мактабда яхши ўқимади, фанлардан ўзлаштира олмай ўқитувчилардан кўп дакки эшитарди, Ҳамидулла муаллимдан эса баъзан шапалоқ ҳам ерди.

Мактабни тугатгач, ўқишга бормади. Ҳарбий хизматни Оймаконда ўтказди. Қулоғини совуққа олдириб, кўп азият чекди. Ҳамон қичишиб, пўст ташлаб, жароҳатланиб туради. Хизматдан кейин уйланди, у ер-бу ерда ишлаган бўлди, аммо қўли пул кўрмади. Мустақиллик бўлгач, бир-икки йил ўтиб, ўзини савдога урди. Нўхатфурушлик қилди. Давтепанинг бозоридан арзонгаровга олиб, Самарқандда баланд нархда пуллайверди. Пул баргихазондай тўкилди.

Ҳамидулла муаллим эртасига тўйга борди. Октябрнинг тароватли дамлари, қуёш тиккада, одам гавжум. Ҳовлидаги олма дарахтларининг атрофи ўралиб, жой ҳозирланган.

Мурод кўринмади, акаси Самадга тўй муборак қилди. Дафтар ушлаб юрган йигитчага тўёна узатди. Хизматкорлар нон, чой, тарелкада ош ва бир шиша вино келтиришди.

Ёнидаги чорпояда санъаткорлар жойлашган. Микрофон қулоқни қоматта келтиради. Ёшгина, озғин, оппоқ юзли рақкоса давра айланади, меҳмонлар ёнига бориб, турли имо-ишоралар, муқомлар қилиб пул ундиради.

Тўйга ташриф буюрганлар икки гуруҳга ажратилган. Ҳамидулла муаллим чегарага тушиб қолган экан. Ўнг тарафда пастаккина юпқа тўсиқ ортида казо-казо ҳурматли меҳмонлар. Уларнинг дастурхонида данак, ёнғоқ мағзи аралаштирилган майиз, лимон, апельсин, товоқ-товоқ ош, буғи чиқиб турган қовурдоқлар, тандир кабоб, рангин шишаларда мева шарбатлари, аччиқ-чучук, кўкатлар, ичимликнинг саралари. Меҳмонларни тоифаларга ажратишга барча кўникиб кетишган. Ҳамидулла муаллим ҳам ҳайратга тушмади. Ошдан олиб, чой ичиб ўтирди. Винони очмади. Икки йил бўлди, нафақага чиққанидан буён ичкиликни ташлаган.

Отарчига разм солиб, бир зум ўйга чўмди: "Шунинг ҳам ота-она, ака-ука, қариндош-уруғлари бормикин? Ранг-рўйи кўҳликкина, қандай қилиб бу йўлга кириб кетдийкин, пул деб шу қадар тубанлашадими одам?..."

Дўриллаган овоз хаёлини бузиб юборди.

— Келинг, келинг, домла, — ширакайф Мурод эгилиб қўли кўксида салом-алик қилди.

— Тўй қутлуғ бўлсин, Муроджон! — деди Ҳамидулла муаллим.

— Раҳмат домла. Вино очилмабди... Домлага арoқ олиб келинг! — буюрди Мурод.

Мурод Ҳамидулла муаллимнинг "Очманг, ташлаганман" деганига эътибор қилмай пиёлани тўлдириб узатди. Ўзига эса озгина қуйди.

— Биз, энди, ҳали кўп меҳмонлар билан... Қани, домла!

Ҳамидулла муаллим Муроднинг раъйини қайтара олмади. Ичиб юборди.

— Домла, жуфт қиласиз, — Мурод жилмайганича яна арoқ тутди.

— Ахир ўқитгансиз, синф раҳбаримиз бўласиз.

— Ташлаган эдим, Муродҷон. Сазангиз ўлмасин деб, битта олдим. Бизга, бўлди.

— Йўқ, домла, хафа бўламиз. Қанча шапалоқларингизни еганмиз, ҳа-ҳа, эсимизда бари! Шу дейман, домла, қаттиққўл эдингиз, черезчур! Ўзингизни ҳам аямай, болаларни ҳам қийнаб юборардингиз. Энди, бундай ўйлаб қарасак, бефойда экан. Нега шундай қилгансиз, тушунмайман. География муаллимимиз Абдували акага ўхшаб, вазифани бериб, мазза қилиб, газетангизни ўқи-иб ўтиравермайсизми! Бўладиган бола... ўзи бўлаверар экан. Мана бизлар ҳам яшаяпмиз, бировдан олдин, бировдан орқа. Жуда содда, ғўр бўлгансиз, жоннинг қадрига етмагансиз, домла...

Ҳамидулла муаллимнинг кайфияти бузилди. Қўлидаги арoқ лим-мо-лим пиёлани дастурхонга қўйиб, Муроднинг ҳай-ҳайлашига қарамасдан тўйхонадан чиқиб кетди.

Уйига келиб ҳам ҳовури босилмади. Кечаси тўлғониб, у томонидан-бу томонига ағдарилиб чиқди. Саҳармардондан бомдодни ўқиди. Нонуштадан сўнг чорбоғ айланди. Невараси Ҳумоюнмирзо бобосининг важоҳатига қараб, бу гал эргашмади.

Қибладан кучсизгина шамол эсарди. Сарғайган япроқлар гоҳ-гоҳ пилдир-пилдир учади. Қора қарғаларнинг овози оламни тутган. Қорин қайғусидан ўзга ташвиши йўқ бу қоп-қора қушлар жарлик ёнидаги тераксордан кўтарилиб, тўда-тўда бўлишиб, насибаларини қидиришганича, олис қир-адирлар сари йўл олишарди.

Ҳамидулла муаллим чорбоғнинг чет, кимсасиз этагига бориб, ажриқ босган уватга ўтирди. Нигоҳини рўпарадаги қирқилаверганидан деярли кундага айланиб қолган қари тут бутоқлари аро ғуборланган тоғ чўққиларига тикиб паст, шивирлаган товушда сўзлай бошлади. (У кейинги пайтларда нимадандир дили хуфтон кезлар шундай ўзи билан ўзи гаплашадиган одат чиқарган):

— Мурод! Ўз муаллимингни ғўр дединг-а. Қандай тилинг борди, нодон! Кўнглимни огритдинг. Куйиб-ёниб ишлаганим рост. Лекин ўкинмайман. Билсанг, муаллимлик — қисмат. У дарсда юлдуздай порииллаб турмоғи, болалар қалбига билим ва муҳаббат ёғдусини сочмоғи лозим. Ўша юлдуз хира тортса — қиёмат қойим, даҳшат! Болаларнинг шўри қурийди. Қанийди, тасодифан замон эврилиб яна бошидан бошлаш насиб этса, тағин муаллимликни танлаган ва озод юртим фарзандларига миттигина жонимнинг энг сўнгги заррасини ҳам машъала этардим. Афсус, кексайиб қолдим, — Ҳамидулла муаллимнинг овози тобора баландлашар, юрагидаги алам-дард изтироблари қайнаб-тошарди. —Мурод! Билиб-билмай нималар дединг, сен? Сархуш калланга қаердан келди, бу фикр? Менинг муаллимликдан топганим—кўксимдаги фахр! Сен шу ифтихор туйғуларини чил-парчин қилдинг. Билиб қўй, сен ҳавас қиладиган — дарсда газета ўқиб ўтирадиган муаллимлар Мактаб вужудига тушган қора-куялар..., — у азбаройи қизишиб кетганидан, невараси Ҳумоюнмирзонинг шарпасини сезмади.

— Улар хиёнаткорлар...

Ҳумоюнмирзо ён тарафдан аста-секин, бир-бир қадам босиб келди-да, бобосининг елкасига жажжигина кафтини қўйиб:

— Каттаота, кимга гапираяпсиз? — деди онг-тонг қиёфада.

Ҳамидулла муаллим бироз муддат саросимада ўнғайсиз қолди. Ҳушини йиғиб олгач:

—Сенмисан, Ҳумоюн? — деди.

—Каттаота, сизга хат олиб келдим, — у конверт узатди. — Феруза опамдан почтачи бериб юборибди, Тошкентдан экан.

Ҳамидулла муаллим кўкрак чўнтагидаги қизил гулли чит ғилофдаги кўзойнагини олиб, хатни очиб ўқиди.

"Ассалому алайкум!

Соғлигингиз яхшими, оила аъзоларингиз тинчми? Нафақага чиққанингизни эшитдим. Зерикмаяпсизми?

Устоз! Умар Ҳайёмнинг математик қарашларига бағишланган илмий ишимни тамомладим. Номзодлик ҳимоям йигирма бешинчи мартта белгиланди. Сизни ҳам таклиф қиламан. Албатта, келинг. Сиз ёнимда бўлсангиз қандайдир ўзимни кучли ва қудратли сезаман.

Кўришгунча хайр!

Собиқ ўқувчингиз Шароф Ҳакимов.

1 март 2001 йил, Тошкент".

Ҳамидулла муаллим хатни ўқигач, жунбушга келган асаб торлари бирданига юмшади, қўл-оёқлари бўшашиб аъзойи-тани шалвираб қолди. Титраётган лабларидан узуқ-юлуқ сўзлар учди:

— Ал-бат-та, бора-ман. Керак эканманки, бора-ман...

Унинг кўзларидан ёш томчиларди.

***Муҳаммадулуғ ТОНГОТАРОВ,***
***Пайариқ туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси***

## Xullas...

### ФОРТОЧКА ЎҒРИНИ "ТУТДИ"

Биринчи қаватда яшовчи уй бекасининг кўнгли чоғ. Чунки бугун турмуш қурганларига роппа-роса беш йил тўлди. Ана шу муносабат билан у дастурхон ясатиши керак, ҳали у, ҳали бу деганларидек, бозорга югургани югурган.

Салат қилиш учун майонезни унутган уй бекаси бир қадам наридаги озиқ-овқат магазинига югуриб кетди. Қайтиб келаётиб, расмини қидирув доскасида кўрган бир кишига рўбару келди. Ё, алҳазар! Бу қанақаси? Ўғриликка кирмоқчи бўлибди, шекилли.

Аслида ҳам шундай. Кўчадан ўтиб кетаётиб, ҳалиги ўғри шу қадар иштаҳа очар ҳидга дуч келдики, излаб-излаб унинг қайси хонадондан чиқаётганлигини аниқлади. Қарасаки, ошхона форточкаси очиқ, мазза қилиб, паққос туширса бўладиган егуликлар бисёрга ўхшайди. Одамзот нафсига қул бўлса қийин-да, у форточкага сиғиш-сиғмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай... Кўриб тургангиздек, манзара. "Калужская жизнь" ҳафтаномаси ана шу кулгили воқеа ҳақида хабар берар экан, ўз нафсини қондириш ҳақида ўйлаб, калтафаҳмлик билан иш тутган ўғрининг милицияга тушмаганлигидан оила аъзолари хурсанд эканини маълум қилади. Бунинг учун эса улар уй бекасига қайта-қайта миннатдорчилик билдиришди.

### КОММУНАЛ "АЖРАЛИШЛАР"

Приморье ўлкасининг Арсеньев шаҳри ЗАГС бўлими ходимлари ташвишли ҳолатга дуч келишмоқда. Йил бошидан бери бу ерда никоҳни бекор қилиш худди хавфли эпидемия сингари кенг тарқалди. Наҳотки, яқиндагина қайд қилинган никоҳ эгаларининг бир-бирларини тушунишлари шунчалик қийин? Йўқ, бунинг тагида қандайдир сир бор, акс ҳолда ҳар икки никоҳдан бири ажралишга ариза беравермаган бўларди.

Қизиғи шундаки, ажралиш учун ариза бераётган эр-хотинларнинг никоҳи сохта бўлиб, улар бу усулдан "олди-сотди"да фойдаланишган. Коммунал хизмат турларини тўлашда эса жуфтликлар қаттиқ тортишувга боришмоқда. Бунинг устига хизмат турлари ой сайин ошади.

Сохта никоҳда ҳеч қандай келишувчилик йўқ, чунки у ёлғон нарса-да... Тўловлар қайси томондан ундирилишини эса суд ҳал қилади.

### ҚАЙД ҚИЛИНМАГАН "ХОББИ"

АҚШнинг Огайо штатида яшовчи Рид Беннет қарта "жинниси". У қарта ўйнамайди, балки йиғади. Сотиб олмайди, балки кўчада, истироҳат боғию хиёбонларда унутиб қолдирилган турли-туман қарталарни у 40 йилдан бери тўплаш билан овора. Шундай қилиб, Риднинг бисотида 23 хил "қирол", "дама", "валет"лар пайдо бўлди.

Коллекционер уларнинг кийими, безатилиши ва юз тузилишларини бир-бири билан солиштириб завқ олади, бу унинг ажойиб эрмаги, деб ёзади Америкада чиқадиган "Чикаго сан" газетаси.

**ana shunaqa gaplar**

**Халқаро телеканалда ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили Сиз учун" масофавий инглиз тили курсининг 5-дарсида намойиш этилган тўртта дарснинг саволлари берилади.**

QUESTIONS for episode 21

**1.** Do you belive it possible for a person's clothes to effect his or her job or career? Please explain your answer.

**2.** Why do you think the decision to take a new job in another city would be a dilemma for a family?

**3.** Do you think it is better to have one job in your lifetime or to have many different jobs? Please explain your answer.

QUESTIONS for episode 22

**1.** Do you think it is wise to work while studying at the university? Why or why not?

**2.** Are women in your country encouraged to pursue their career after they have children?

**3.** Why do you think a mother is considered a career? Do you agree?

QUESTIONS for episode 23

1. How do retired people in your community spend their time? Are there any activities organized for them by the community?

2. Who there repairs to be made to your home, who rolls up their sleeves and gets to work first? Why do you this family member is first?

3. Describe the furnishings in your home's main room.

QUESTIONS for episode 24

**1.** If you going to a farewell party for a friend leaving for the U.S.A., what gift would you and why?

**2.** Write about your favorite music and the reasons you like it.

**3.** Describe a party that was given in your honor.

**Жавобларингизни Тошкент 700011, Навоий кўчаси 69, ТВ-4 "Инглиз тили сиз учун" дастурига ёки uztv-4@ uzpak/ uz электрон почтасига юборишингиз мумкин.**

## "АВЕСТО" КРОССВОРДИ



ЭНИГА: 1. Ўрта Осиёдаги чўл. 3. Қийинчилик. 6. Тўсиш учун мўлжалланган уй жиҳози. 8. Ушалмаган орзу. 10. Шаҳар атрофидаги мудофаа учун қурилиб, сув тўлатилган чуқурлик. 11. Қадимий оғирлик ўлчови. 12. Қадимий араб кумуш тангаси. 13. Ҳайитдан олдинги кун. 15. Давр. 17. Навоий туғилган шаҳар. 19. "Тарихи мулуки ..." (Навоий асари). 20. Қатиқ маҳсулоти. 22. Доиранинг ихтиёрий икки нуқтасини туташтирувчи чизиқ. 24. Гуллаб-яшнаган. 25. Мулкни муайян қарз эвазига вақтинча фойдаланишга бериш. 27. Даволовчи шахс. 28. Шерикчилик уюшмаси. 29. Нон тури. 31. Сабзавот тури. 32. Чорва озуқаси. 39. Ўн икки бурждан бири. 41. Карвонбоши. 42. Мўл ризқ-рўз. 43. Туркиядаги шаҳар. 46. Жасур, ботир. 47. Қовун нави. 48. "Шашмақом" таркибидаги мақом. 49. Ширага бой ўсимлик. 53. Андижон вилоятидаги шаҳар. 55. Кўчма савдогар. 58. Халқаро теннис кубоги. 59. Хитойдаги провинция маркази. 60. Зардуштийларнинг муқаддас китоби. 61. Фасллар келинчаги. 62. Дурадгорлик асбоби. 63. Навоий ҳокимлик қилган шаҳар. 64. Матн номланиши.

БЎЙИГА: 1. Маълум шахсга қарашли инсон. 2. Транспорт воситаси. 4. Греция пойтахти. 5. Машҳур рақкоса. 6. Пок, тоза. 7. Гул тури. 9. Бирор лавозимга тавсия этилган шахс. 13. Маълум соҳага оид сўзлар. 14. Республикамизда чоп этиладиган газеталардан бири. 15. Қадимда жиноятчилар сақланадиган жой. 16. Буюк ўзбек шоири, давлат арбоби. 17. Жойнинг маълум белгилар билан қоғозда ифодаланиши. 18. Вафот этган кишининг лаҳади. 21. Аруз вазни атамаларидан бири. 23. Эчки. 25. Ток ўстириладиган мослама. 26. Кавказда яшовчи халқ. 29. Тоғ ўсимлиги. 30. Савдо-сотиқ учун мўлжалланган жой. 33. Қозоғистон пойтахти. 34. Доимий яшил дарахт. 35. Она. 36. Бошлиқ, қўмондон. 37. Япроқ. 38. Чегара. 40. Душманни енгиш учун куч билан бевосита таъсир этиш. 44. Газлама тури. 45. Мамлакат маркази. 46. Сўфий шоирлардан бири. 50. Муҳташам, дабдабали уй. 51. Россиядаги шаҳар. 52. "Эсмеральда" телесериали қаҳрамони. 54. Покиза, саришта. 56. Жавоб талаб қилувчи жумла.

***Тузувчи:***
***Орифжон МАДВАЛИЕВ***
***Учкўприк тумани***

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-293.
Тиражи 27613. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи:
Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00